титраб кетаётганди. Жонхолатда барглар остини, дарахтлар панасини куздан кечириб, ейишга нон кидира бошлади. Хеч вако йук. Кулларини аламдан мушт килиб дарахтни савалаган булди. «Итдан таркаганлар, - уйларди у урнига кайтадан утираркан. – каерга кетишди? Нега уйготишмади? Максадлари нима узи?» Шу тобда эллик метрча нарида йигитларни кораси куриниб, Мадали даст урнидан туриб улар тарафга караб юрди. - Ха,уйкуга туйдинми? –суради сарик сочли йигитякин келишгач. Мадали индамади. - Биламиз, корнинг очкан, -давом этди йигит. Лекин бироз сабр килиб, навбаттаги имтихонни топширишинга тугри келади. - Бу ахволда имтихон топширолмайман, - деди Мадали юзини тескари буриб. –холим куриб боряпти. - Улмайсан. Агар имтихоннитопширишдан бош тортсанг, оркага кайтамиз. Билиб куйки, шу кунгача чеккан захматларинг бир пул булиб колади. Хуш, нима киламиз? -Майли, топширсам топширай. Кани, нима килишим керак? - Мана бубошка гап, - дея унинг елкасига кокди иккинчи йигит. – хозир бир жойга олиб борамиз сени кани кетдик. Мадали йигитларга эргашиб улар кузлаган манзилга йул олди. Юз одимча нари юриб боришгач, бир чукурга дуч келишди. Бу чукурни атайинкавладик, -дея унга тушунтирди сарик сочли йигит. – Кара, буйиуч метр келади. Сен хозир шу ерга тушасан ва югорига кулларинг ёрдамидагина чикасан. Уддаласанг, бу имтихонгахам аьло бахо куйилади. Тайёрмисан? - Тайёрман, - деди Мадали таваккал. - Бупти, шошмай тур! Сарик сочли йигит юугириб бориб дарахтлар орасидан узун аркон топиб келди. - Шу аркондан осилиб тушасан. Факат билиб куй, юкоригакз кучинг, аклингга тайанибгина кутариласан.Бу аркон сенга ёрдам бермайди. Туш… Мадали эхтиёткорлик билан арконга осилиб пастга туша бошлади. Йигитлар арконни дархол тортиб олишди. Энди кандай булмасин, юкорига кутарилишни йулини кидириш лозим эди. Чукур акл билан кавланибди. Бирор ерида осилса буладига ковак йук. Хама ёги теп теккис. Мадали бош котира бошлади. Хуш, кандай йул билан чикади? Куллари билан ковлаб курди. Шу кадар каттик эканки, сал булмаса, тирноклар синаёзди… Шу пайт кутилмаган вокеасодир булди. Кенглиги икки метрча келадиган чукурда каттакон илонга кузи тушди. Илон бошини кутарганча унга тикилиб вишиллаб-вишшилаб куярди. Мадали турган ерида тош котиб колди. Пешанасини муздек тер босди.. Узини унглаб улгургунича илон бир сакраб унинг унг тиззасига ёпишди. Мадали тиззасида кучли огрик туйди. - Аблах, тишлади! – турган ерида айланиб додлай бошлади у.- ифлос тишлади. Жони огриб турган булса-да, курсда муаллимлардан эшиткан гапи ёдига тушди: «Илон чакканида уткир тигли буюм билан баданинг уша ерини кесиб ташлаш керак…

Мадали чикмаган жондан умид кабилида чукур ичкарисидан шундай буюм кидириб курди. Хайрият, бир бурчакда писканинг яримта булаги ётган экан. Шартта кулига олди-да. Илон тишлаган тиззасиниочди. Тиш тиззани анча уйиб кирибди. Кузларини чирт юмиб, писка билан уша жойни кирка бошлади. Тугри, жон ширин. Бадан каттик огрийди. Аммо яна беш-ун дакика шу тахлит турадига булса, аввалига боши айланиб, кайт кила бошлайди. Сунгра азойи баданида кучли иссик пайдо булади-ю, оламдан утканини узи хам билмай колади… Мадали канчалар огир булса-да, уша жойни кесиб ташлаб, тишлари билан захарни суриб-суриб тупириб ташлайверди. Орадан бир канча вакт утиб огрик писанда булгандек, кузлари сал равшан тортди.. - Ха-а, деди Мадали овоз чикариб. – Жосус булиш хам кимматга тушаёзди. Ярамас илон-ей! Пойлаб турганиничи! Айтганча каерга гойиб булди узи? У айлана атрофни куздан кечириб, илонни кидирди.Хеч каера йук. - «Ишкилиб арвох булмасин» кунглидан кечириб куйди у. –Майли эниди юкорига чикишни имконини кидирай вакт кетяпти… Имтихон топшириш муддати накд уч соатга чузилди. Тупрок катламининг накадар калинлигига карамай, Мадали уткир, анчадан бери олинмаган тирноклари ёрдамида оёк в акул жойлашиши мумкин булган чукурчалар хосил килди. Уларга тирмашиб, киейингиларини ковлади. Хуллас, уч соат деганда, не-не машакатлар билан тепага чикиб олди… - У, зур экансан, йигит! –йигитлар бир дарахт панасида гаплашиб

утиришган экан. Кулларидаги сигаретларини улоктириб, югиргилаб холсизликдан чузилиб колган Мадалини тепасига келишди. - Нега боя бакир-чакир килдингми? – сурашди бараварига. – бирор гап булдими? Мадали жавоб бериш урнига тиззасини очиб курсатди. - Илон…Илон чакди… - Шунаками? – йигитлар бир-бирларига маьноли караб олишди-да, чунтакларидан иккита опок дока чикариб, Мадалининг кон сизиб чикаётган ярасини бойлашга тушишди… Мадали улар ярага тегинганларидаёк кайтадан баданида кучли огрик сезиб хушидан кетганди…. - Биз сен билан энди имтихонни энг охиргисини бошлашимиз керак, - дейишди йигитлар тунайдиган ергаетиб келганларидан кейин. – Ихтиёрингда колган беш кунни манна шу имтихонни топширишга багишлайсан. - Шунчали узок вакт топшириладими? – суради Мадали хайрон булиб. - Ха, жуда узок вакт. - У холда олдин коринни туйгазиб олай. Куз олдим коронгилашиб кетяпти. Йигитлар кулиб куйишди.Сарик сочли йигит Мадалини елкасидан махкам кучди: - Тугриси, сенга биз хам ачинамиз. Афсуски, касбинг шуни такозо этади. Хакикий жосуснинг калбида рахм0шавкат хисси умуман булмаслиги керак. У ута совуккон булиши лозим. Хуллас, корин туйгазишнинг узи имтихон хисобланади. - К-канакасига? – йигитгакаттикрок тикилиб суради Мадали. - Гап шундаки, ялинсанг хам, тиз чукиб сурасанг хам бизда бир тишлам хам нон йук. Атайин шундай килинган. Шундай экан, коринни нима билан туйгазасан? - Билмадим, - елка кисди Мадали. - Тугри, билмайсан. Кани, ошна, олиб кел. Иккинчи йигит секин бориб дарахт ковагидан бир шиша идиш олиб келди. Ичи курт-кумурскага тула. - Мана шуларни йейишинг керак булади. – уктирди йигит Мадалига. - Кумурскаларни-я? – Мадали кузлари олайиб идиш ичида урмалаётган кумурскаларга бир бор жирканч нигох ташлаб олди-да, юзини тескари бурди. - Ха, айнан шуларни. Чунки жосуснинг хаётида хар иш булиши мумкин. Агар сен бошинга тушадиган очлик, ялангочликларга тайёр турмасанг, итдай улиб кетасан. - Мен буларни ея олмайман, -деди Мадали. Кунглим айниб кетади. - Бизга кизиги йук. Сен имтихон топширяпсан. Бундан бошка йул йук сенга. Мадали икки-уч дакика уйланиб турди. Йигитлар эса унга тикилиб, хамон жавоб кутишарди. Хуш, ейсанми ё жунаб кетаверайликми? – суради сарик сочли йигиттокати ток булиб.- Бир карорга кел! Бизни вактимизни бекорга угирлама. Мадали аста бориб идишни кулга олди. - Еганим булсин. – у идишни копкогини очти-да, ичида шилликуртни чикариб олди. Курт хам ажали ета бошлаганини пайкадими, сиргалиб бармоклари орасидан чикиб кетишга уринарди. Мадали уни охиста лабларига якинлаштирди. Куртдан кандайдир ёкимсиз, бадбуй хид таралларди. Мадали кузларини чирт юмди-да, огзини ката очиб куртни ташлади. Ташлади- ю бир марта чайнади. Аслида чайнашгада хожат йук экан. Курт огзида ёгдай эриб кетди. Аммо кунгли айниб укчиб юборди. - Хеч киси йук, - кулишди йигитлар- Куникасан. Бизни айтди дерсан, эртага узинг кумурска кидириб коласан… Мадали анча вакт укчиб турди, лекин кусмади. Сал кузлари очилгач, кайтадан идишга якин бориб, бу галл ката бир кунгизни кулига олди… Хайриятки, кутилган онлар якинлашиб, бу кимсасиз оролдан жунаб кетадиган булишди . Мадали беш кун ичидан курт-кумурскалар билан озикланишга анча куникиб колди. Сунги икки кунда узи дарахтлар ковакларини ковлаштириб, курт, кунгиз кидириб топадиган булди. Барибир бу хаётга узок бардош бериб булмайди. Одам боласи узини одатий хаётини, кайнок овкатларини согинайверади. Йигитлар уни кетишга уннай бошлашгандаёк севиниб кетди. Хатто, мана шу барваста йигитларни бир-бир кучоклаб, кутариб олгиси келди… - Озгина куртлардан олиб кетсаммикан? – хазиллашди у пиёда вертолёт келиб кунадиган очик майдон сари йул олишгач. –Одамсогинади-да! - Хавоти олма! – дейишди унга. – Узок согинтириб куйишмайди. Хизматни бошлаганингда уларни узлари сени кидириб топишади… Айтилган мудатда вертолёт хам етиб келди. Мадали салонга чикиб утираркан, ойнадан шохдан-шохга сакраб иргишлаётган маймунларга, бир-бирини кувлаб юрган олмахон-у , ранг-баранг сайроки кушларга караб хурсиниб куйди. Огзидан эса якиндагина иштаха билан тановул килган яшил шилликуртнинг таьми хамон кетмаган эди… Курсга етиб боришгач

йигитлар Мадалини туппа-тугри полковникни кабинетига олиб киришди. У кузойнагини такиб кандайдир когозларни титиб утирганэкан. Мадалига кузи тушиб кузойнагини ечди ва урнидан туриб унга кул чузди.

Яхши етиб келдингми, болам? Бу сузни полковни илк бор тилига кучирди. Мадали анчадан бери «болам» сузини кулокларида туймагани учунми, юраги хапкириб, аьзойи бадани титраб кетган куйи узини йукотаёзди. Сал курса «отажон» дея хайкираёзди. Буларнинг барчаси ота-онасига булган согинчи хосиласиган эди. - Сен бу имтихондан хам аьло бахолар билан утибсан табриклайман! – деди полковник. Мадалини утиришга чорлаб. – Хуш, йигитларимиз чарчатиб куйишмадими? - Асло, - жавоб килди Мадали. – чарчатишгани йук. - Жуда соз. Унда гапни киска килсак хам булади. Сен бугун дамингни ол. Энг авало, ошхонага кир! Харкалай овкатни согингансан. Буни биламан. Корнингни туйгазганингдан кейин ётиб ухла. Эртага киладиган бошка ишлар бор. Гапим тушунарлими? Мадали сакраб урнидан турди. - Худди шундай! - Унда сенга рухсат! Негадир уч кунгача Мадалин безовта килишмади. Факат анчадан бери узига кадрдон булиб колган сержантгинатез-тез кириб холл сурар, эрталаблари биргаликда жисмоний машкларни бажариб кайтишарди. Мадали унинг исмини билмасди. Хатто, кайси миллитга мансублигидан хам бехабар эди. Русчани узига нисбатан яхши билгани сабаб, рус булса керак диб тахмин киларди.Учиничи куни эрталабки нонуштадан сунг сержант уни бошка бино ичкарисига бошлаб кирди. Бу ерда хоналар куп. Бирок хаммасининг эшигига кулф солинган.Йулак охиридагияшил буёк урилган эшикина очик турарди.
Уша ерга киришди. Кабинетда эллик ёшларга борган, кайтарма муловли, мовий куз майор утирар. Ким биландир телофон оркалигаплашарди. Уларни курди-ю, гапни киска килиб гушакни жойига куйди ва урнидан турди. - Шу йигитми? – сурaди сержантдан. - Худди шундай, урток майор! - Бупти, сен боравер. Сержант чикиб кетгач, майор Мадалини мулойимлик билан курсига утиришга таклиф килди. - Хуш, ука ишлар калай? – сурaди хамон мулойимлик билан. - Ёмон эмас. - Дам олиб зериккандирсиз? Мадалига унинг «сиз» лаб мурожат килиши галати туюлиб хижолатдан лабларини тишлаб куйди. - Б-билмадим… - Мана, имтихонларниям топшириб бупсиз. Хизматга тайёрмисиз, энди? - Албатта. - Жуда яхши. Унда кулок солинг. Хозир машина сизни бизнинг госпиталга олиб боради. Сиздан яширадаиган сиримиз йук. Юзингизни пластик оператция килдиришингиз керак булади. Бунинг нималигини биласизми? - Йук, - деди Мадали майорга хайрат аралаш бокиб. Билмайман… - Тушунаман. Бу мамлкатда хали куп таркалган эмас. Факат бизнинг ишдагина куллашга тугри келади. Умид киламанки кейинчалик тушуниб оласиз. Хуллас, пластик операция диганлар унчалик жонингизни кийнамайди. Операциядан сунг, юз тузилишингиз буткул узгариб кетади. Бошка одамга айланиб коласиз. - Савол беришга рухсат етинг! –деди Мадали секин урнидан туриб. - Рухсат. - Бунинг ишга нима алокаси бор? - Айни шу масалада кейин гаплашамиз. Бундан бу ёгибирга ишлашимизга тугри келади. Хупми? - Хуп булади. - Унда ташкарига чикиб зарур буюмларингизни олволинг. Госпиталда ун кунча колиб кетасиз. Мадали итоат билан кабинентни тарк этди. Айнан рус кишисига айлантириб куйишлари хакикатга якинрок чикиб колди. Бир ойлик даволанишлардаг сунг хаммаси жойига тушди. Мадали илгаргидек бемалол оёкда юрар. Гаплашар, турли дармон дорилар уни кайтадан оёкка тургазганди… согайиб курсга кайтгач, капитан кубул килди. - Шу бугундан эътиборан сен Михаил Салаевсан! – унинг биринчи гапи шу булди.- Исм-шарифингни эслаб колдингми? - Якин орада сенга разведкачи сифатида илк топширик берилади. Хозир эса бошка операция амалга оширасан. Кара, юзларинг кузларинг, кулокларинг, умуман, ташки куринишинг илгариги Мадали эмас. Шундай экан бунга куникишинг лозим булади. Колаверса, сенга бир «сюрприз» тайёрлаб куйганмиз. - Кандай «сюрприз» ? - Хаар бир разведкачини хаётида булгани каби сенхам барча якинларинга «Улди» деб эьлон килинасан. - Нима?..Нега?.. -

Чунки, резведкачини якин кариндошлари, дустлари, суюкли ёри билан учрашишга, алаокада булишга хаки йук. У худди куринмас одам каби яшаши зарур. - Т-тушундим.. - Жуда яхши. Яна уч кундан сунг сен уз жасадинг жойланган темир тобутни аскарлар бошчилигида ота уйинга олиб борасан. Бу сен учун сунгги синов. Сени у ерда хеч ким танимайди,албатта. Хатто, тукан онанг хам. Жасад ерга куйилгач, кайтиб келасан. Огохлантириб куяй, дафн маросимида барча якинларинг иштирок этади. Сен курсда ургатилган кар-соковлар тилидан фойдаланишинг керак. Мободо якинларингдан бирортаси овозингни эшитиб, таниб колса, шу сониядаёк ватан хоини сифатида камокка олинасан. Вазифа жуда маьсулятли. Хуш, эплайсанми? - ….Эплайман. - Унда, дустим, хозир киргин-у, бироз дам олиб узинга келганингдан кейин соковлар тилини яна бир карра кайтариб ол. Эсингдан чикиб колган булиши мумкин… - Хуп булади! Топширик аён . бу галгиси шунчалар огир, аламли эканини Мадали хонасига кириб узича тассавур этиб кургачгина хис этди. Кузларига беихтиёр ёш кела бошлаганини пайкаб даст урнидан турди-ю, госпиталда махсус такдим этилган майда дори доначаларидан биттасини кулига оларкан, огзига тикди. Буд ори кучли таьсир куватига эга булиб, одамни тошюрак, хиссиз холатга келтирибкуяр, хеч нарса хакида уйламасдан, кайгурмасдан, факат олдинга интилишга ундарди. Ордан хаш-паш дегунча бир хафта вакт утиб кетди. Мадали хамон ётокда дам олар, хар икки-уч соатда уни кузатишарди. Узи буни билмасди. Асосий бинодаги компьютерлар факат Мадалининг харкатларини назорат килиш билан банд эди., хатто бир олган нафасигача тахлил этиларди. Нихояткапитан бошчилигида икки аскар ва узи учун анча якин булиб колган сержант ётокка кириб келишди. Мадали, гарчи бундан буён ёзганлари хеч кимга етиб бормаслигини билса-да, уйидагиларга мактуб ёзиш билан овора эди. Шуйул билан ахён-ахёнда эзилаётган юрагини хотиржам тортирмок ниятида эди. Яна у бир нарсани пайкаб колганди. Хаар куни уч-турт донадан олиб келинадиган майда-майда кукимтир дориларни ичганиданок ярим соат утиб анча бегам тортиб колар, хеч кимни уйламас, шу кадар совуккон, шавкатсиз одамга айланиб бораётганини аник-тиник хис килиб турарди. - Хуш, дорингни ичдингми? –суради капитан кириб келгандаёк. Яна у бир нарсани пайкаб колганди. Хаар куни уч-турт донадан олиб келинадиган майда-майда кукимтир дориларни ичганиданок ярим соат утиб анча бегам тортиб колар, хеч кимни уйламас, шу кадар совуккон, шавкатсиз одамга айланиб бораётганини аник-тиник хис килиб турарди.

- Хуш, дорингни ичдингми? –суради капитан кириб келгандаёк. Мадали даст урнидан туриб когоз каламни йигиштирган булди-да, каддини гоз тутди. - Худди шундай! - Елгон гапирма, - танбех берди капитан. – биз ер остида илон кимирласа биламиз. Дорини охирги маротаба кеча тушдан кейин ичгансан. Вахоланки, сенга хар уч-турт соатда ичиб туришни буюрганмиз.Нега буйрукни бажармадинг? Мадалига капитаннинг «сен» лаб мурожат этиши ёкмаса хам узини индамай, ерга бокди. - Айбдорман урток капитан! Хозирок ичиб оламан. - Шундай булсин! Бундан буён ичилиш курси тугамагунча уз вактида ичиб туришинг шарт. - Хуп булади. - Жуда яхши энди бу ёгини эшит. Бугун тунда мановиикки нафар аскар хамрохлигида уз тобутингни олиб ватанингга, анигроги, собик ватанингаучиб кетасан. - Тушунарли. - У ёкка борганингдан кейин узингни дафн маросимингда иштирок этишинга тугри келади. - Албатта, иштирок этаман. - Мободо… бизни уялтириб куймайсанми ишкилиб? - Хеч качон!.. - Билиб куй, сенинг хозирги куриншингаввалги узбек йигити Мадалига умуман ухшамайди. Шундай экан, борганингда хатто тукан онанг хам танимайди. Рус йигити деб уйлайди. Шу сабабли кишлогинга якинлашишинг хамон манови дориларнинг бира тула иккитасини ичиб ол. Токи, юрагинг ортикча безовта булмасин, узинг азобланмагин! Хаммаси тугагач, аскарлар билан яна шу ерга кайтиб келасан. Биламан, сенга осон булмайди. Лекин на илож! Сен энди разведкачисан. Хаётинг машаккатлардан, хавфли лахзалардан иборат булади. Бупти,

хозирча дамингни ол. Чакиришимиз билан нарсаларингни йигиштириб ташкарига чик. - Хуп булади! Капитан ёнидагиларни ташкарига чикишга буйурди. Хонада ёлгиз колган Мадали уф тортган куйи секин тумбочкадан дориларни олиб биттасини огзига солди Кани, нарсаларингни йигиштириб ташкарига чик. Мадали сапчиб урнидан турди. Тепасида сержант турар, куз карашлари ута жиддий эди. - Нима бало, ширин хаёллар тинчлик бермаяптими? Мадали индамай буюмларини йигиштирди. Аммо тумочкасидаги дориларни олмади. Дориларсиз аммалашга ахд килди. Тобут юкланган машина кишлок кучалари буйлаб кетиб борарди. Мадали хотиржам. Анчадан бери курмаган таниш кучалар, яйдок далалар, арик буйларидаги кайрагочларга уйчан тикилар, ота-онасини хали замон тобутини куриб кай ахволга тушишини хаёлан уйлаб тассавур этиб куярди. Ёнидаги икки асакар хам сукут саклашяпти. Негадир кайфиятлари йук. Самалётда учишганида узаро хазил-хузул килишганди. Хозир эса худди кимматбахо буюимини йукотиб куйган кимса каби ковокларини уйганча бош эгиб утиришарди. МашинаМадали усиб-улгайган кучага бурилиб куз очиб юмгунча таниш дарвоза олди-ди, тухтади. Ё алхазар кунглидан утказди Мадали. Хамма кариндошларим кучада туришипти-ку! Анн, аммаларим, холаларим, тогаларим. Онам бечора отамнинг елкасига бош куйганча зурга оёкда турипди. Биламан, шу тобта уларнинг ичларига чирок ёкса ёришмайди. Хойнахой, ич-ичларида котилни каргаб ётишгандур. Онажон, отажон, мени кечиринглар! Мен ношуд сизлари бу кадар огир ахволга солиб куяман, дебсира уйламагандим. Менга колса, шунай килармидим. Агар разведкачилар мактабига жунатишаётганини ушанда билсам, улсам хам бормаган булардим. Аммо энди кеч. Кулимдан хеч нарса келмайди. Майли, хозир йиглаяпсизлар, азобдасизлар. Юракларинга хеч нарса сигмайди.
Лекин орадан маьлум вакт утиб куникасиз. Одам нималарга куникмаган! Йилимни утказганинглардан кейин. Аста-секинлик билан унута бошлайсизлар. Мавлуда-чи? Э, уям тенгини топиб тегиб кетаверади. Аёл киши узи шунака. Хаар кандай одамга тексаям бахтли булла олади. Нихоят кий чув исканжасида Мадалини тобутини аскарлар машинадан тushiриб ховлига олиб киришди. Ажабланарлиси, хеч ким Мадалини узига эьтибор килмасди. Хатто, кушнилар хам уни мехмон сифатида совуккина каршилашди. Ота-онси эса аскарлар ортидан чопиб тобут томон талпинишарди. - Вой бол-ам! Чимилдик курмай кетган бола-а-м! – тобутни кучоклаб йиглади онаси. –йиглатиб кетиб, йиглатиб келган бола-а-м.! Мени кимларга ташлаб кетди-и-инг? Энди кандай чидайман? Бу балоларга кандай чидайман, бола-а-м? Отаси хам бир четда турганча аччик-аччик йигларди. Мадали бу манзарани четдан туриб индамай кузатар, юраги узи уйлаган каби орзикмас, кариндош уругларга бепарво назар ташларди. - Тобутни очиб боламни курсатасан! – Мехрибон опа кутилмаганда аскарларга ёпишди. – Менинг боламни курсатасан. Агар курсатмасанг, хозир отасига айтиб болта билан буздираман. - Синглим, узингизни кулга олинг! – туман харбий комиссарлигидан келган подполковник Мехрибон опани тинчлантира бошлади. – буни очишга рухсат йук. Буйрук шундай. Илтимос тинчланинг. Мен хам дардингизга шерикман! Нима килайлик, худони айтгани буларкан.! - Йук! – узини оркага ташлади Мехрибон опа. – мени алдаб бупсанлар! Болам ётади-ю, уни дийдорини курмайманми? Курсатма-чи! Отаси, каердасиз? Огилхонадан болтании опчикинг! Буларга кулок солиб бупман! Узим бузаман хозир! Узини телбаларча у ёкданбу ёкка ташлаб бакираётган Мехрибон опанинг хайкирикларидан сунг ховлидаги кий-чув янада кучайди. Амма-холалар бараварига ёпирилиб келиб уни уртага олишди-да, йиглаб юпата бошлашди. Мехрибон опа хеч кимга кулок солмасди. Хеч ким уни тухтата олмасди. Сочлари ёйилганича туппа-тугри Мадалини рупарасида тухтади. - Хой, ука сиз айтинг! – онасининг унга жуда якин келиб колиши Мадалини беихтиёр безовлантира бошлаганди. У хамма ишни бузиб куйишдан, юраги дош беролмай, жондан ортик онасини махкам кучоклаб, оёкларига бош ура бошлашдан чучирди.Дориларни бекор колдириб келибман, уйлади у мушитипар онасининг кузларига зимдан бокаркан. Бу кадар дахшатли ходисалар

руй беришини нега олдинадан уйламадим ? Йук, нималар деяпман узи? Курсда узимни таёрлагандим-ку, кани, уша шижоат? Нега тиззаларим титрай бошлади? Нега юрагим хапкиряпти? Узингни бос, разведкачи. Бу холат вактинча! Хозир тобутни ерга кумишади-ю, хаммаси жойиги тушади. Чида! Укажон, - Мехрибон опа Мадалига якин келиб унинг елкасига бош куйди. – сиздан углимнинг хиди келяпти! Эшитяпсизми? Углимнингиси! Бирга хизмат килганмидингиз- а ?, килдингизми? Углим билан бирга ухлаб юрганмисиз? Шунинг учун сиздан углимнинг иси келяптими а ? Мадали сал колди гапириб юборишига. - Холажаон, бу йигит соков гапирмайди, - дея онасини елкасидан тутиб тинчлантира бошлади аскарлардан бири. –хакикатан хам рахманли углингиз билан бирга хизмат килган. Куйинг, холажон, йигламанг. Огир булинг. Манна шу ерда Мадали курсда узлаштирган яна бир машгулотни эслади. Бу артистлик кила олиш дарси эди. Каршисида муниса онаси. Унинг хиди шу кадар кадрдон, шу кадар тотлики, унча-мунча одам узини тутиб туриши даргумон. Мадали эса чидаяпди. У кузларидан суний равишда ёш тукиб онасининг дардига шерик буляпти. Билади. Бу сунги учрашув. Кейин хаммасидан воз кечиб уйга кайтган такдирда хам ота-онаси, кариндош-уруглари уни Мадали сифатида кабул килишмайди. Сабаби аник, юз тузилиши бошка йигитга айлантириб куйилган. Колаверса, бугун унинг жасадаини ерга куйишади. Тамом! Мадали артистларча онани амал-такал тинчлантирди. Бу орада мулла жаноза укишни бошлади. Кечкурун соат туккизларга якингина Мадали аскарлар ва харбий комиссарлик вакили хамрохлигида яна аерапортга жунади. Йулда кетиб бораркан, кабристоннинг уртасидан жой олган узининг мужазгина кабри, тепасига : «Бу ерда оддий аскар Мадали Марайим угли осойиш топган» деган сузлар ёзилаган кичик кабртош сира куз олдидан кетмасди. Сиз энди курсга кайтмайсиз, -деди сомолётдан тушишгач, Мадалини кутиб олган кирк ёшлар атрофидаги, паст буйли, юзлари юмалок, буткул бегона бир эркак. – аскаралар билан хайрлашиб оркамдан юринг! Мадали итоаткорона ёнидаги йигитлар билан совуккина хайрлашди-да, эркакнинг ортидан эргашди. Улар эскирок Жигулига утиришди. - Манна бу конвертда сиз ижарага оладиган квартира манзили, махфий топширик олишингиз керак булган алока кутиси жойлашган мазил ёзилган, -тайинлади эркак. –хар бир харакатни махсус курсатмага асосланган холда амалга оширасиз. Тушунарлими? - Тушунганга ухшаяпман, -жавоб килди Мадали. – лекин… бир нарсани аниклаштириб олсам. - Нимани? - Кайси шахарда узи уша квартира? Мен качон, кай тартибда ишлашим керак? - Шахар бу ердан йигирма чакирим узокда жойлашган. Сиз уша шахарда булгансиз аввал хам. - Тушунарли. Мадали эслади. Кочонлардир урмондан Маруся ва Матвейлар уни уша шахарчага олиб кетишган, сунгра Маруся билан унинг уйида илк бор узининг хакикий йигитлигини хис этишга муаффак булган. Мадалини катта кучага олиб чиккач, эркак жунаб кетди. Анна, энди таввакала килиш керак булади. Хуш, бу ер уша урмондан унчалик олис эмас – аник билади. Шундай экан, шахарча хам якин орада булиши тайин. Мадали секин трамвай бекати томон юрди. Икки-уч дакика утиб етиб келган трамвайнинг пештокидагиёзувга бокди. Ха, худди уша шахарча! Ишкилиб, шарманда килмагин, худойим! Биринчи хизматимни аьло даражага адо этиб, хамма рахбарларни огзини очиб куяй! Мадали конвертга ёзилганквартирани кийналмасдан топди. Ичкарига кириб хоналарни куздан кечирди. Иккитагина хона экан. Бирида эски диван, ок-кора телвизор. Бурчакда кийимлар илинадиган шкаф. Наргисида эса темир каравот. Бошка хеч вако йук. - Буё ток шекилли, -узига-узи деди Мадали. – Ха, майли, олдин бир ваннага кириб чумилай. Ундан кейин алока кутисижойлашган манзилни охтариб топаман… Орадан бир соат утгач, Мадали шкафга махсус илиб куйилган кийимларни кийди. Узининг улчами экан. Кузгуга бокиб каршисида узига маъюс бокиб тикилиб турган мовий куз, кулоклари чучварасимон рус йигитига муштини бир укталиб куйди-ю, кучага йул олди. Бу ерларда хам худди Узбекистондаги каби кунлар исий бошлаган. Дарахтлар ям-яшил тус олиб атрофга узгача хусн бахш этарди. Одамлар хам енгил кийимга утишибди. Мадали бу нарсаларга

эндигина этибор бера бошлади. Кучада у ёкдан-бу ёкка шошилганича кетиб бораётганлар унга эьтибор килишмас, узича таваккалига йул четидаги белгиларга караб манзил томон кетибборарди. Шу махал рупарасидан Марусянинг узи чикиб колди. Худди уша! Оппок, думбок, кузлари катта-катта аёл. Уни куриб Мадалини юраги тез- тез ура бошлади. Нима килсин? «Куз очиб курганим» деган гаплар бор. Накадар тугри топиб айтилган хозирги лахзаларда уз исботини топкандек эди. Мадали бу офатижон аёлни канчалар согинганини хозир кучлирок хис этиб, унга якирок бориш учун кадамини тезлатди. Маруся бепарвогина бриб келарди. - Маруся! – дея биринчи булиб суз котди Мадали сабри чидамай. Аёл секин бошини кутариб унга бокди. - Сизни танимайрок турибман! – хамон беписандлик билан. – кимсиз узи? Мени каердан танийсиз? - Бу нима деганинг? Ахир…Ха-я, эсимдан чикибди. Юз тузилишимни узгартирдим, холос, шунга… - Барибир танимади. -Нега ишонмайсан? – Мадали юрак ютиб Марусянинг елкасидан кучди. - Вой, бу нимаси? Аёл бирдан унинг кулларини силтаб ташлади.-хаддингиздан ошманг! - Хаддимдан ошганим йук. Ахир, бегона эмасмиз-ку. Маруся масхаромуз кулиб Мадалини кузларига тикилиб каради. - Балки… Хуш, мендан нима истайсиз? - Сен билан умримда илк маротаба рохат нималигини билганман. Яна…. - Ха-а, демак мен билан качонлардир булгансун-у, энди эслаб колдинг, шундайми? - Ундай дема, жоним! Сени согинганман! - Шунака дегин? Хуп, пулинг борми узи? Бу саволни Мадали кутмаган эди. Негаки, каердан хам хизматга йуллашди, деб пул хакида умуман фикр килмабди. Аёлга нима дейишини билмай бир муддат уйга толди. - Пул топиладиган нарса-ку,! –деди нихоят бир карорга келгандек.

- Пул топиладиган нарса-ку,! –деди нихоят бир карорга келгандек. – сен кунсанг бас. Топаман пулни. Яхши. Кечкурун юз сум пул билан уйимга боравер маькулми? - Хуп, айтганингдек булади! Энди Мадали олдида аввал кутини топиш-у, ундан сунг тикилинч автобусларга чикиб пул топиш масаласи кундаланг булди. Кеч кирди. Мадали кутини топиб, ичини текшириб курди. Хозирча хеч нима йук. Кунгли таскин топиб автобус бекати томон юрди. Профессионала разведкачи учун кимнингдир чунтагига ёхуд хамёнида ётган пулни узиники килиб олиш сиракийинчилик тугдирмайди. Мадали хаш-паш дегунча юз эмас, беш юз сумм эгаси булди. Боши осмонга етгудек булиб дуконлардан бирига кирди. Арок, колбаса шунга ухшаш майда чуйда харид килгач, туппа-тугри Марусяникига жунади. Квартира халиям узгармабди. Уша эски, беш-олти еридан кулф урнатиш максадида тешиб ташланган эшик. Шундай аёл нега пиёниста экан, хаёлидан кечирди Мадали эшикка ачинганнамо караб куйиб кунгирок тугмасини босаркан. Келишган аёл булса, бошкаларга ухшаб яшаса нима киларкан? - Ие, сенмидинг? – квартира эшиги очилиб рупарасидаярим ялангоч Маруся пайдо булди. –Кир тез кушнилар хидланиб колишмасин. Мадали секин ичкарига кириб пойабзалини ечди. - Тугриси, сени халиям эслай олмади, - деди Маруся елка кисиб.- Танишлар, анигрок айтадиган булсам келиб-кетадиган эркаклар куп. Кай бирини эсимда саклаб колай ахир! - Энди кучоклашга хакким бордир? – Мадали кулидагиларни ошхонадаги стол устига куйиб кайтгач, аёлнинг белидан олди. Унга жавобан Маруся юзига секин шапатилаб куйди. - Бурига ухшайсанлар сенлар. Бундок утириб сухбатлашишга сабрларинг етмайди. - Йук, - унинг лаблариданупиш асносида деди Мадали. – энди сени кулдан чикарган номард. - Шунаками? – эркаланиб унинг буйнига осилиб олди Маруся. –курамиз! Тагин хар куни пул топиб беролмай кочиб колмагин! - Мен кочадаиганлар эмасман. Мен сенга ухшаган хурликоларни кадрига етаман. - Менга кара, уйланганмисан узи, - Канака уйланиш? Сени ташлаб бошкасига уйларканманми? Хеч качон! - Алдокчи! Эритишга жуда уста экансан-ку а? Бупти юр, нималар опкелдинг узи? Татиб курайлик-чи! Мадали эпчиллик билан бориб арокни очди. Маруся майди- чуйда газаклар тураб столга тортди. Шу тахлит иккови анчагача гаплашиб утиришди. Арокичиб булингачгина кайфи ошиб, хакикатан токати ток булиб бораётган Мадали аёлни даст кутариб олди-ди, ётокка олиб кириб каравотга ташлади. - Бугун

адабингни ейсан! –шивирлади Марусянинг кулогига. – Мен буридек очман Кайнок бусалар, эркалашлар огушида тонг хам отди. Мадали зудлик билан кучага чикиши ва алока кутисидан хабар олиши лозим эди. Маруся билан шоша-пиша хайрлашиб, чунтагидаги пулларнинг хаммасини унинг кулига тутказди-да, кийиниб йулга отланди.

Биларди. Кутига очикдан очик якинлашиш мумкин эмас. Бу хакда огохлантиришган. Хеч ким ундан гумон сирамаслиги зарур. Шу билан бирга у хизмат пайтида бегоналар билан муносабатга киришмаслиги шарт етиб тайинланган. Худди сайр килиб юргандек атрофни узгача кизикиш билан кузатиб секин кутига якин борди. Кути жойлашган подъезд теварагида хеч ким йук. Бу айни муддао. Эхтиёт шарт, яна бир боратрофга куз ташлади. Бегоналар куринмаётганига амин булгач, кутини очди. Кутилганидек, у ерда бир конверт ётарди. Юраги негадир така-пука булиб кетди. Ахир, унинг ил киши булиши мумкин. Кизик, кандай топширик беришди экан? Хавфлимикан? Ё бошланишига енгилрогини танлашдимикан? Кулларититраб конверни очди ва у ерда ёзилган жумлаларга куз югиртирди: "Эхтиёт бул! Тезда яшаш манзилингни узгартир! Оркангдан тушишган!" Когозда шу сузларгина битилганди холос. Хайрон булди. Нега? Топширик-чи? Ким оркасидан тушади? Ё бу навбатдаги синовми ? Ахир, укишни тугатди! Канака синов булиши мумкин? Нахотки, «душман» уни даров пайкаб колган булса? - Тухта, - деди узига узи.- бу сузларни бехуда ёзишмаган. Ростдан хам оркамдан тушишган булишса, кулгаолиш ниятида булишди кимлардир. Шу огозлантиришни хиссобга олишим керак. Ха, бугун хам Марусяникида яшаб тураман. Балки, эртага топширикни баён этишар? Мадали конвертни майдалаб йиртдида, чунтагидан гугурт олиб, шу жойнинг узида ёкиб ташлади. Махфий мактубларни ёнида олиб юриши такикланган. Шундан сунг у яна кучага чикди. - Уф-ф, тагин угирлик килишим, Маруся илик кутиб олишиучун пича пул топишим зарур. Майли, пешонага ёзилганида. Асосийси, узимни саклашим ва топширик берулгунча хавфдан йирок булганим яхши. Мадали кунни куча кезиб утказди. Шинамгина бог бор экан. Етарлича пул топгач,халинчакларда учди, овкатланди. Нихоят коронги туша бошлагач, у кечагидек майда-чуйдалар харид килиб таниш квартира томон йул олди. - Ие, тагин келдингми? – кулиб карши олди Маруся. Агар кулингдаги булмаганида, улсам хам уйга уймасдим сени. Оч бури! - Билардим-да феълингни! – деди Мадали ичкарига кириб стол устига кулидаги халтани куяркан. – бугун хам сенинг кучогингда вакт утказишга тугри келаркан. - Сира туймас экансан-дакучогимга. Тухта сен узи кимсан, нима иш киласан, пулни каердан оляпсан? Стол каршисига утириб бир кадохдан арок ичишди. Бусаволга Мадали кандай жавоб беришни биларди. Шу сабабли узини йукотмади. Аёлни хотиржамгина тургазиб тиззасига утказди. - Менми? Угриман. Касбим шунака Шунака дегин? Хавфли одам экансан. - Факат сен учун эмас. Кел, шу гапларни йигиштириб асосийсига утайлик. - Даров а? намунча сабрсизсан? - Илтимос. Мадали аввал Марусяни кадохига арокдан тулдириб кйди. Сунгра уни авайлаб ечинтирди. Кетидан узи хам кийимларини ечиб бир четга отди. Эндигина оппок баданларини сийпалай бошлаганди. Кутилмаган эшик кунгироги чалина бошлади. Икков хам тош котиб колди. - Ким булиши мумкин? – суради Мадали хушёр тортиб. - Мен каердан билай? – деди Маруся полдаги халатини олиб кияркан. – хеч кимни чакирганим йук эди. - Меннима килай, беркинайми7 - Намунча куркок булмаснг? Ахаир, эрим йук-ку! Балки, кушнилардир? Сен утирибтур, мен бориб эшикни очаман. - Кийим-чи, кийим? Маруся индамасдан ташкари эшикка якин борди. - Ким у? – суради у. Жавоб урнига яна кунгирок чалинди. - Вой, кизик булди-ку! Маруся секин эшик зулфини сугурди. Шу захоти эшик ташкаридан куч билан итариб очилиб, квартирага уч нафар кора никобли, кулларида жанговор автомат тутган кимсалар бостириб киришди. Уларнинг бири дархол Марусяни огзини беркитиб бурчаккакисди. - Жойингдан кимирлама! Кани у? айт, кани? Бу орада колган иккитаси ошхонага утди. Мадали аллакачон балконга утиб улгурганди. Фойдаси булмади. Икала йигит

хамбалконни кулфланган эшигини курол билан уриб синдиришди ва ташкарига чикишди. Бу махал Мадали хар калай кийимларини кийиб олга экан. Куроллиларни курди-ю, зарба бериш учун кулларини олдига чузиб шай турди. Никоблилар эса унга автоматни тугирлашди. - Кулларингни оркага килиб орка деворга угирил! – буюуришди унга. –ортикча харакат килишнинг фойдаси йук! Тез бул! Итдай улиб кетасан! Ха, кеч булганди. Агар хозир ортикча харакат содир етса, булар УК узишдан хам тойишмайди. - Ярамаслар!– гудраниб куйди Мадали. – хали шошмай турларинг! Хисоб китоб килиш вакти келади. - Милиция булимида хисоб китоб килаверасан! Деди йигитлардан бири унга якин келиб чунтакларини кавлаш асносида. - Мен нима айб килдим узи? - Сен эмас, иккаланг! – жавоб килди никобли йигит. Банкни умариб худди хеч нарса булмагандай утиришларини кара! Нима, давлатни ахмок килмокчимисан. - Канака банк? Бу англашилмовчилик! Англашилмовчилик! - Буни, терговчига айтасан! Кани, ташкарига чик. Кулларига кишан урилган Мадали итоат билан ташкарига йул олди. Йулакда колган учинчи йигит Марусяни хам кишанлаб булибди. Чикиб кетишаётганида аёл Мадалига ер остдан каради-ю, елка кисиб куйди. Булинмага етиб борганларидан сунг Марусяни негадир бошка хонага олиб кириб кетишди. Мадали мелиционерни бу килигини кургач, аёлдан шубхалангадек буолганди. Аммо унинг кузларидаги ёшга кузи тушиб, шубхалари таркала бошлади. Бу кутилмаган ходисани шунчаки кургиликка йуйиб курсатилган кабинетга кадам куйди. Ордан уч-турт дакика утиб ичкарига балан буйли, фукаро кийимидаги бир эркак кириб келди. Эшик олдида турган сокчига «чикавер» ишорасини килиб, мадалининг каршисига чукди. Сездики, у-терговчи! Чунка терговчиларгина анна шунаканги жилд олиб юришади. Колаверса, бу ерга терговчидан булак хар ким хам кириб келиши ва сокчиларга буйрук бера олиши мумкинми? - Хуш, кулга тушдингми? –суради у Мадалига совук нигохлар билан бокаркан.-тута олишмайди деб уйлаганмидинг? - Мен, хеч нарсага тушунмаяпман, - деди Мадали нега мени бу ерга олиб келишди узи? - Узингни гулликка солма! Шундай ката банкни умариб кетасан-у, яна хечнарса булмагандай менга савол берасанми итдан таркаган? - Канака банк, мен угри эмасман. - Шунака дегин? – терговчи стол устидаги жилдини очди-да, икки-учта сурат олиб Мадали олдига ташлади. – Мана булар-чи? Бу хам сен эмасмисан? Не куз билан курсинки, суратда ростан хам Мадали – юз тузилиши худди хозиргикиёфаси билан Марусяга бир даста пул узатиб турарди. - Хуш, танидингми? Суради терговчи. - Йук, бу барибир англашилмовчилик, - бош чайкади Мадали. – мен хеч кандай банкни умармаганман. - Буни суд аниклайди. Хозир эса… Сокчи! Остонада бояги сокчи пайдо булди. - Эшитаман!.. - Гувохни олиб киринг! - Хуп булади! Куз очиб юмгунча кабинентга ёши олтмишлардан ошиб колган рус аёлини олиб киришди. - Онахон, мановини танияпсизми? – суради терговчи. - Буними? Х-ха худди шу эди. Мен кучадан утиб кетаётгандим… - Соат неччи эди? - Адашмасам, кечки саккизлар эди. Неварамникидан уйимга кетётгандим. Худди маннашу йигит банкдан бир коппул кутариб чикди. Ёнида бир аёл, никоб кийган яна икки эркак хам бор эди. Елкаларида курол осиб олишганди. - Бупти, етарли! – кампирнинг сузини булди терговчи. – кетишингиз мумкин. Кампир чикиб кетди. - Курдингми, гувохлар етарли –Мадалига юзланди терговчи. –шундай экан, мениям, узингниям, кийнамагин-у, айбингни буйнинга ол. - Менинг хеч кандай айбим йук. – деди катъят билан Мадали. - Шунаками? Сокчилар! Бу гал ичкарига уч нафар милиционер кириб келди. - Мановини бир эсини киритиб куйинглар! Килибюрган ишларини негадир эслай олмаяпти. - Кани тур, хезалак! –милиционерлардан бири тепасига келиб елкасидан гижимлаб урнидан тургазди. –юр, камерада гаплашамиз. Камера бум-буш эди. Мадали олиб киришди-ю, уч нафар барваста милиционер кулларидаги таёклар билан савалай кетишди. Аммо курсда канча синовлардан утган разведкачи учун бу калтакалар пашша чакканчалик таьсир этарди. .Унинг овоз хам чикариб куймаётганини курган милиционерлар баттар жигибийрон булишар, яна савалаш карийб ярим соатлар дамом этди. Баданлари моматолок булиб кетган Мадали гарчи

хушсизланиб полга чузилиб колган булса-да, барибир овоз чикармади. Хар калтак келиб тушганида «их» деган товушгина эшитилиб турди, холос. Факат унг куксидан пастрокка бир-икки марта тушган таёк зарби каттик азоб бера бошлаганди. Худди уша жойида огрик туриб симмилаб огрирди. Лекин шунда хам бир огизсуз айтмади. Ураверив чарчаган милийионерлар охири зерикиб ташкарига йул олишди ва камера эшигини ташкаридан кулфлаб куйишди. Аёвсиз калтакалар уч кунгача давом етиб турди. Хар галл уни худди уша камерага олиб кириб калтаклашар, Мадали бирогиз суз айтмасди. Факат унг куксини чарм таёклардан химоя килишга уринар, буни пайкаб колган милиционерлар эса атайин уша ерни мулжаллаб таёк йуллашарди… Нихоят суд булди. Мадали хеч нарсани исботлай олмади.Уни банкни умарганликда айблаб, ун йиллик камок жазосига хукм этишди.

Шу пайт камера эшигини кимдир очётгандек булди-ю, тепакал шоша-пиша кулидаги сигаретини унитазга иргитиб каравотига ётиб олди. - Кани, кулларингни оркага килиб деворга угирил! –буюрди сокчи Мадалига. –тез бул! - Хоп, наминча вахима киласан, - гудранди Мадали буюрикни адо этиш асносида. – кар эмасман-ку! - Хаддингдан ошма йигитча,! Хозир турма бошлигини хузурига кирасан. Ушандаканча гапинг булса гапираверасан! - Гапирсам гапиравераман!– буш келмади Мадали. – мен куркиб-пусадиганлар хилидан эмасман. - Кани, ташкарига юр! Сокчи йулак буйлаб турма бошлигини кабинетига олиб кетди. Йирик харфлар билан «ТУРМА БОШЛИГИ» деб ёзиб куйилган эшикка якин боришгач, Мадалини олиб келган сокчи эпчиллик билан эшикни очди ва автомат кундоги билан курагига туртди: - Кир! Мадали ичкарига кадам ташлади. Хона кенг эди. Унг бурчакда жилдлар сакланадиган шкаф, чапда кийим илгич. Ойна олдида эса ката стол булиб, устига бир неча ранг-баранг телефон куйилган. - Утир! Буюрди утирган ерида ёши элликлардан ошган, куз карашлари жиддий, кошлари калин эркак. Мадали шу одам бошлик эканлигига заррача шубха килмади. Гарчи, курсда ута хушёрлик, узгаларга нисбатан ишончсиз рухда тарбийланган булса-да, хозирги вазиятда ишонмасдан иложи йук эди. Чунки, эшикдаги ёзувни курган. Бу кабинетда бошликгина утириши мумкин. У курсатилган ерга утирди. - Хуш, йигит ишлар калай? – сурадi бошлик. Мадали унинг рус эмаслигини сузлаш охангидан даров сезди. Колаверса, русларнинг кошлари коп-кора, калин булмайди. - Сураганингизадан бери анча яхши, -жиддийлик билан жавоб килди у. - Шунаками? Оббо сен-ей, жа ботир куринасан-у а? - Мен ботирлик килаётганим йук. Саволингизга жавоб бердим холос. - Жуда яхши. Энди бу ёгига кулок сол. – Бошлик урнидан туриб Мадалини тепасига келди ва елкасига кулини куйди. –сенинг жиноятинг шу кадар огирки…. - Мен хеч канака жиноят содир этканим йук, - бошликни сузини булди Мадали. - Сен жим утириб эшитгин аввал. Хуллас, жиноятинг шу кадар огирки, ун беш йилсиз бе ерлардан чикиб кета олмайсан. Узинг кургандирсан, сенга карши барча далиллар, гувохларнинг курсатмалари тайёр. Шундайми? - Хаммаси бухтон! - Сенингча шундай. Аммо биз учун бухтон эмас. Конунийисботланган. -Мендан нима истайсиз? –сурадi Мадали токати ток булиб. - Камерангдаги кария билан танишиб олдингми? - Шундай деса хам булади. - Хуш, сенга ёкдими у? - Менга хаётда хеч ким ёкмаган. - Жуда совуккон экансан. Бу яхши эмас. Агар турмадантез кунда чикиб кетишни истасанг, сенга битта имконият беришим мумкин. Мадали хушёр тортиб бошликнинг кузларига тик бокди. - Канака имкон
Уша тепакални олтинлари каерга беркитилганини аниклаб берасан. - Кандай килию? - Уни турмадан олиб кочасан. Кискаси, бунинг йулини узинг уйлаб топ. Шундай килгинки, у сени олтинлар яширилган жойга бошлаб борсин. Бизнинг одамлар эса оркаларингдан кузатиб боришади. Шу ишни уддалай олсанг, уша дакикадан озодман деб хисоблайвер. Бу хакикатдан жуда катта имконият эди. Ахир, шахардаги алока кутисига аллакачон топширик битилган мактуб келиб тушгандур. Мадали эса халиям турмада утирибди. - Мен

розиман! – деди у хаяжони ортиб. – факат сузингизда турсангиз бас! - Мен иккиюзламачиликниёмон кураман. –энди эшит, эрталаб соат бешларда махсус машинада тузланган карам ортилган бочкалар олиб келинади. Ушаларнинг атайин иккитаси буш колдирилади. У ёги тушунарлидир? - Сокчилар-чи? - Улар билан ишинг булмасин! Сен эрталабгача карияни кундириш пайида бул. - Тушундим. - Энди бораверишинг мумкин. Сокчи! Остонада пайдо булган сокчига «олиб кет» диган ишорасини килди. Мадали камера томон шошилмасдан кетиб боракан, хаёлан тепакал билан кандай гаплашиш йулларини уйларди Курсда узлаштирган машгулотларини куллаш вакти етди. Мадали хар-бир дарсни хотирасига тушириб, нихоят компьютер каршисида утказган онларини куз олдига келтирди. – Сен нафакат компьютерни, хатто узингни хам ёлгонларинга ишонтира олишинг лозим, дея тайинлаган эди муаллима аёл ушанда. –ушанда кузлаган максадинга осонликча етасан, душманни тор-мор киласан. Мадали кандай йул тутиш режалари хакида бош котириб, камерага кириб борди. Тепакал махбус хамон каравотга чузилиб ётганича сигарет тутатарди. Мадалини кириб келганини куриб, ётган ерида кулиб куйди. - Ха, бошлик адабингни бермадими дейман? Суради у сигаретини чузиб- чузиб тортиб. – у ер-бу еринг кукармабдиям? Одатда улуш олиш керак булганларни бошликни хузурига олиб киришарди. - Аблахлар! – сукинди Мадали ковогини уйиб. – пулларни топиб беришимни талаб килишяпти. - Кайси пулларни? - Кайсини буларди? Банкдан олиб чикиб кетган пулларимни- да. - Ха-а, шунаками? – тепакал шошилмай урнидан туриб утирди. – Бе, менияm дастлабки кунларда холи жонимга куйишмаганди. Икки марта карцеригаям кириб чикдим. Олтинларни топиб кулимизга топширасан, дейди. - Хуш? - Ахмок булибманми, топшириб? Яхшиси, катта пулга сотаман-да, бу ердан ярмини бериб булсаям чикиб кетишга харакат киламан. - Турмадан пул бериб чикиб кетмокчимисиз? – Мадалини негадир карияни сизлашга утди. Буни узи хам эндигина пайкади-ю, индамади. – овора буласиз. Булар сиз билан мендан улиб колсаям пул олишмайди. - Э, гурсан-да, хали бола!– деди тепакал. –мени Тимофей диб куйишибди.Кишлогимдагилар Тима деб чакиришарди. Бундайларни кураверіб пишиб кетканмиз, ха! Менга каранг, Тима амаки! – эхтиёт шарт эшик томонга куз ташлаб олгач. Унинг амаки деб чакириши карияга ёкиб тушди шекилли, табассум пайдокилиб пастга тушди. - Нима дейсан, жиян? - Бир гап айтсам, хеч кимга гуллаб куймайсизми? - Мен-а? вей, мени Тима диб куйибди. Хафа килмагин! - Бупти узр! Хуллас, сиз билан келишиб оладиган бир иш бор эди. Албатта, рози булишга суз берсангиз айтаман. - Кани, айт! Юрагимни сикаверма сенам! Мадали овозини пасайтириб суз бошлади. - Мана, узингиз уйлаб куринг! Менда катта пул, сизда эса олтин бор шундайми? - Хуш? - Келинг, уша олтинларингизни мен сотиб оламан. - У, сотиб оламан? Пулингетармикан, сотиб олишга? - Нега етмас экан? Ахаир, билмайсиз-ку, канча пулим борлигини! Яхшиси, нархини айтинг. Кария бир муддат уйлаб тургач елка кисди. - Олтинларим куп. Тахминан юз минг кукига тортади. Мадали бу гапни эшитиб кулиб юборди. Хозир у узини шундай тута бошлагандики, пули куплигига узи хам ишона бораётгандек эди. - Жуда оз-ку! Деди нихоят кулишдан тухтаб. – мен бир миллиондан келасизми диб уйловдим. - Нима? Бир миллион? Хали…. Шунча пулни умарганмидинг? - Сиз нима деб уйловдингиз? Мени бекордан бекорга шунча йилга кесишмагандир? - Койил! – силкиниб-силкиниб кулди кария. – ёш булсангхам бало экансан. Майли, энди. Ёшимни хурмат килсанг, пича кушиб берарсан-а? - Ха, кушиб бераман. Факат айтканимдан чикмайсиз. - Хозира, такидлаб куйдикария. – орамиз очик булган кейин… - У ёгини узим хам биламан. Унда бугун тиникиб ухлаймиз. Эрталаб сокчилар бизни омборга якин олиб боришади. У ердан тузланган карам олиб келган машинага утириб жуфтакни ростлаймиз. Факат, билиб куйинг, мободо алдашни ихтиёр этган булсангиз, кечирмайман… - Унака одатим йук йигит! Лекин бир нарсани тушунмай турибман. Ким билан кочишга келишиб куя колдинг дарров? - Буниси менинг ишим. - Тушунарли. Бошка савол бермайман. Сухбат шу билан якун топди. Мадали карияга эьтибор хам килмай,

навбаттадги режаларни хаёлан туза бошлади. Унинг бирдан-бир максади турма бошлиги айтган ишни бажариш-у, мана шу сассик камераларга кайтмасдан, хизматни давом этирришдангина иборат эди. Мадали тунни куз юмасдан утказди. Аксига олгандек,унг куксининг пастроги кур-кур санчир, ана шу огрик унинг бемалол режа тузиболишига халал берарди. - Итдан таркаганлар, -сукинди у алам билан хуррак отаётган тепакал томон назар ташлаб. –манавинакаларга барибир. Устидан поез утиб кетсаям бало урмайди. Мен-чи? Нега курсда укиб юрган кезларимда канча калтак емай, жоним бунча огримасди-ю, хозир огрий бошлади, нималар буляпти узи? Ишкилиб, жигарни эзиб куйишмаган булишса бас. Соат чорак кам бешга бонг ура бошлаганда, сокчи ортикча товушларсиз эшикни очди. - Шерикниям уйготиб, ташкарига чикинг! – буюрди у. – омборда кутишябди сизларни, Мадали оёги билантурта-турта тепакални урнидан тургазди. Иккови хам керакли нарсаларни апил-тапил култикларига кисди-да, ташкарига йул олди. Ростданхам омбор каршисида йук машинаси турар, бортига унтача бочка йукланганди. Хов ичкаридаги икки бочкага тушиб, устиларингдан копкокларни яхшилаб ёпинглар! –тушунтирди хайдовчи. – шахарга якин колганда тухтайман. Уша ерда тушасизлар. Мадали бир амаллаб карияни бочка жойлаштирди ва копкокниёпди.Узи эса сира кийналмасдан бочкага кириб олди. Копкок ёпилгандан кейин нафас олиш анча огир эди. Бирок курсда узлаштирилган машгулотлар хаёлига келгач, ёпик шараоитда хам узига керакли кислородни кабул килиб олиш имконини топди. Яъни, бочканинг сезилар-сезилмас тешикчаларига огзини тугирлаб олди. Машина чайкала-чайкала кетиб бораркан, Мадали факат ва факат шахардаги махфийалока кутиси, унда номаьлум кимсалар колдириб кетган хат хакида уйлар, турмадан эсон-омон кутилиб чикканига шукроналар келтирарди. Турма бошлиги куйган шарт эса унга арзимаган юмушдек туюларди. - Шунча вакт тахсил олиб, канча синовларни, азобларни бошимдан кечириб каёкдаги бир тепакалнингихтиёридаги олтинларни олиб куя олмайманми? Уйларди у бочка тешигидан туйиб-туйиб нафас олишга интилиб. – бу иш нари борса икки соат вактимниугирлайди. Ундан сунг зудликда шахарга кайтишим ва уз ишим билан машгул булишим керак. Машина бир соатлар чамаси йул юргач, бирдан тухтади. - Кани, чикинглар бочкадан! – буйурди хайдовчи пастдан туриб. – улиб колмадиларингми? Биринчи булиб бочкадан Мадали чикди. Семизлиги туфайли кария уз кучи билан чикиб кета олмасди. Унга хам кумаклашиб юборди. Улар тухтаган жой шахарга кираверишдаги бир кишлок эди. - Бизнинг кетимиздан сокчилар кузатиб келишлари керак эди-ку! – хайдовчини бир четга тортиб кулогига шивирлади Мадали. – негадир куринимаяпти! Тинчликмикан? - Сен шошилма, - деди хайдовчи совук тиржайиб.–турма бошлиги сен уйлаганчалик ахмок эмас.Керак булганингда узлари топиб олишади. Хозирча уйлаб кадамингни босавер! Хайдовчи жунаб кетти. Икки махбус эса, бир муддат нима килишини билмай туриб колишди. - Хуш, олтинларинг каерда? –токати ток булган Мадали карияни туртди. – нега коккан козикдан туриб колдинг? Курсат, бошла?
- Намунча ховликасан? –жеркиб берди кария. – янабеш дакика шу ерда кутамиз. - Нега? - Ушанда биласан.Мадали кул силтаб нари кетди. Кишлок кучаси бошида анхор окиб утган экан. Муздек сувда юз кулларини чайган булди. - Ана, келишяпти! – кичкирди кария узокдан катта тезликда якинлашиб келаётган кизил машинани курсатиб. –бизникилар келишяпти! Мадали бирдан хушёр тортди. - Бу нимаси? – карияга тик бокиб. –канакасига бизникилар булади? Ахир, хеч ким билмайди-ку, бизни турмадан кочганимизни? - Нега энди билмас экан? Билишади. Менинг одамларим билишади. - Канака одамлар? Тепакал кутилмаган харакат билан Мадалини ёкасидан бугди. -Мен сени камерага кириб келганингдаёк танигандим, -ушкирди у йигитни буйнини махкамрок бугиб. – кимлигингни саройимга боргандан сунг биласан. Сенларни алдашибди! – деди Мадали узига тобора якинлашиб келаётган йигитларга. – менда хеч канаканги пул йук! Шуни учун узларингни кийнаманглар!Акс холда жонинга жабр булади! Йигитлар бу гапни эшитиб бараварига

кулиб юборишди. - Узингни шунчалик зурман деб хисоблаганмидинг, Миша?– дея гап бошлади олдиндаги муйловли рус йигити. – йук, сендан кура биз кучлирок чикиб колдик. - Миша? – Мадали хайрон булиб каршисида тиш кайраб турган йигитларга бир-бир назарташлади. –канака Миша? Менинг исмим ундай эмас!

- Шунаками? – суради оркорокда турган йигит. – халиям эсинг кирмадими?Мана сенга. У шу кадар тез якинлашиб Мадалига зарба бердики, сал булмаса, чап беришга улгурмай колай деди. - Вой ифло-ей! Кани, жосуслигингни бир намойиш эт-чи, соткин! Унга шериклари хам кушилишди. Энди Мадали астойдил химоялнмаса булмасди. Аввалига каршисидаги муйловлининг уйку томирига зарба йуллади. У йикилди-ю, аммо негадирсапчиб урнидан туриб кетди. - Зарба яхши чикмади, шекилли, - кунглидан утказди Мадали ва бошкаларнинг темирига чап берган куйи яна бир маротаба зарба берди.Афсус! Бу галл хам хушидан кетказа олмади. Бахтга карши йигитлар темирни айнан Мадалининг чап куксига йуллашар, шундок хам огриб турган тана кучли зарбалардан яна каттикрок огрирди. Бу сафар Мадалиростакамига калтак еди. Купчилик булишкани учунми ё бошка сабабданми, канча уринмасин, барибир темир тутган куллар устун келиб уни охир окибат ерга кулатди. Айникса, оёгига кетма-кет беш-олти марта келиб тушган темир зарбалари жонини зугуриб олай деди. - Ма, манови игналар билан йиртилган ерингни тики бол! – муйловли йигит аллакачон хушини йукотиб чузилганча ётган Мадалини олдига игна ва кора

ип ташлади-ю, шерикларини бошлаб ташкарига чикиб кетди. У канча вакт хушсиз ётганини хам эслай олмасди. Кузларини очганида хона ичи коп-коронги, чап куксидан пастроги, чап оёгида пайдо булган огрикка чидашнингиложи йук эди. Мадали узини сал унглаб олгач, рухан огриклардан устун келиб секин урнидан кузгалди. Бирок оёкдаги огрик барибир тик туришга куймай, утириб колди. Секин уша жойни пайпаслаб курди. Эх, панжа йиртилиб кетган! Гушт очилиб колган ер етти-саккиз сантиметрча келарди. Шу тобда кулигаигна ва ип илиниб, кузлари салгина очилгандек булди. - Ифлослар! –сукинди коронгиликда таваккалига игнага ип утказаётиб. – сал булмаса, улдириб куйишаёзди. Мени кайси Мишага ухшатишди узи? Ким ушаМиша? Тухта! Мадали нимадир эсига тушгандек, бир муддат уйга толди. - Менга... «Сен энди Михаил Салаевсан» дейишганди бир куни. Ким экан аслидаМихаил Салаев? Нега менга бундайисм беришди? Ха, майли, барибир аниклайман! Шу ердан ОМОН-эсон чикиб олсам, албатта, аниклайман! Турт кават килиб ип утказилган игнатайёр булгач, аввалига игнани пайпаслаб текшириб олган булди. Ха, зарарсизлантирилган. Захри йук. Демак, бемалол куркмасдан тикаверса булади. Мадали эхтиёткорлик билан йиртилиб кетган танасига кузларини чирт юмганча игна санчди. Йук, унчалик огрик сезмади. Балки, огриб турган тана игнани сезмагандир?Нима булганда хам, ярим соатча

уриниб, йиртилган жойни тикиб олишга муяссар булди. Факат чап куксидан пастрогдаги огрикни босишни сира иложи йук эди. Кечга якин икки йигит кулларида яна темир билан кириб келишди. Лекин хужум килишмади. - Урнингиздан туриб бизнинг ортимиздан юраркансиз, -деди уларнинг бири мулойимлик билан. - Каерга? – атайин талмовсираб суради Мадали. - Шеф хузурига. - Шеф? Анови тепакалми шефларинг? - Киргандан кейин билиб олаверасиз. Мадалини уртага олганча улар икки каватли хашаматли уйнинг юкори каватига олиб чикишди. Уй ичи накд кошонанинг узи эди. Мадали дунёга келиб бу кадар чиройли гиламларни, деворлардаги ранг-баранг накшларни, теле-радио ускуналар-у, кузни камаштирувчи телефонларни курмаганди. Гарчи кузлари яшнаб кетаётган булса-да, сир бой бермай курсатилгандек, навбатдаги хонага кадам куйди. У ерда тахмин килингандек тепакал ким биландир телефонда гаплашиб утирар, икки ёнбошида каддини гоз тутганича котиб турган сокчилар буйрук кутишарди. Тепакал Мадали куриб шоша-пиша телефонни жойига куйди. Кейин сокчилардан бирини кулогига нималардир деб пичирлаганди, у югуриб ташкарига чикиб кетди. Хуш, Миша, калайсан энди? –кария секин Мадалига якин келди-да, елкасига кулини куйди. – вой-бу, йигитлар сени роса дабдала килиб ташлашипти-ку? Кара, кукармаган жойинг деярли

колмабди. Чап оёгингни хам боглаб олибсан! Нима, синдими? - Сенга нима? – гудранди Мадали. - Ие, бу нима деганинг? Ахир, нима булгандаям куп йилли кадрдонимсан! Ачинаман-да! - Канака куп йиллик? Мен сенга хеч качон кадрдон булмаганман. - Шунаками?– кулди тепакал ва кутилмаганда овозини борича бакаириб юборди. Манна энди буласан, кадрдон билдингми? Нима, катта пулни яширдим, энди кочиб колсам булаверади, деб уйлаганмидинг? Чучварани хом санабсан! Топдим-ку! Усталик билан кулга тушириим-ку, вей, тагин уялмасдан мени танимаганга олиб утирибсан-а! нахотки, виждонинг кийналмаган булса?
Менга кара, кария, - деди Мадали узини босишга уриниб. – сен мени кимгадир ухшатяпсан, шекилли! Мен, ахир сени умуман танимайман! - Танимайман дейсанми? Нима бало, уша жосуслик ташкилотингдагилар ураверib, хотирангдан хам айириб куйишдими? Тугри килишган. Чунки, сен уларгаям хоинлик килгансан. Тугрими-йукми? Мадали уйлаб уйининг охирига ета олмасди. Кариянинг сузларини тинглаб турарди-ю, бирок хаёлан нималар булаётганини тахлил этишга уринар, узининг аслида ким эканлигини, кимга айланганлигини аниклашга харакат киларди. Афсуски калаванинг учи сира топилмасди Пуллар каерда ? – суради кария дагдага билан. Нега индамайсан? Пуллар кани, деяпман? - Канака пуллар? Менда хеч канаканги пул йук. -

Пул йук дегин? Яхши, хозир аниклаймиз! Шу пайт хонага сокчилардан бири кириб, эшикни каттарок очди ва узи бир четга утиб турди. Мадали беихтиёр ортга угирилганхам эдики, кулимсирабгина ичкарига кадам куйган Марусяга кузи тушди. - Сен? – деб юборди тусатдан. - Ха, мен, - жавоб килди Маруся. – хайрият, мени танидинг. - Ха, - гапга аралашди кария. –сени хакикатан таниди, бу гурсухта. Лекин бизни танимаяпти халиям. Уз шерикларини танимагани етмагандек, пулларни каердалигиниям эслай олмаяпти чоги. - Отахон, дабдурустдан пул талаб килмагинда! –деди Маруся Мадалига бошдан оёк караб куяркан. Сал узига келиб олсин. Истирохат килсин. Ана ундан кейин пул хакида гапирсангиз ярашади. - Миша, - Мадалига юзланди кария. – уша жосуслик ташкилотингда Маруся билан бирга ишлаганингни эслай оласанми? - Нима? Марусябилан…? Негадир эслай олмаяпман. Кария кулиб юборди. - Ха-а, сени ёмон кийнаб юборишибди уша бошликларинг. Аммо бизниям айбимиз бор бунда. Сени улардан олдинрок кулга тушира олмадик. Майли, бу ёгига энди пишшикрок буламиз, тугрими, Маруся? - Албатта. Энди Мишани хеч качон кулдан чикармаслигимиз керак. Мадали аёлга зимдан назар солиб турди-да, бирдан миясини демак буям бизнинг ташкилотдан экан-да! Деган хаёл яшиндек тепиб утди. - Ха, - уйлаб колди у. – бундан чикди Маруся хам бизга, хам манови карияга хизмат килади. Мен-чи?

Йук, мен бу фохиша билан тушакдагина якиндан танишганман холос. Аниклашим керак. Нималар булаётганини усталик билан аниклаб олишим зарур. Хуш, нимадан бошлай? Нима килсам, кузлаган максадимга етаман? Ха, топдим. Бугун кариядан Маруся билан бирга булишимни сураб кураман.Бундан кулайи йук. Агар шунга эриша олсам, фохиша хаммасини оккизмай-томизмай менгаайтиб беради. Айтмай хамкурсин-чи! Шошмай турсин, кимлиги, максадини айтмагинча куймайман. Кария, Маруся тугри айтяпти, -деди Мадали бир пастлик сукутдан сунг. – огрикка чидаб булмаяпти. Бугун у менга малхамлар куйиб, сал узимга келтирсин. Колган гапларни эртага гаплашаверамиз. - Ишонсам буладими? – аёлга маъноли куз кисиб суради кария. - Ха. -Жуда маъкул гап. Майли, йигитларим сени ростан хам кийнаб юборишди. Бугунча damингни ол. Айш кил! Биласан-ку, Маруся унча-мунча эркакнинг жонини киритиб юборадиган аёл. Эрталабгача пулларни каерга беркитганин хам маълум булади. Боринглар! Маруся уни узингни хонанга олиб кир!Мадали оксокланган куйи аёлни ортидан эргашди. Тепакал эса кайтадан жойига утириб, турма бошлигига минадорчилик билдириб куйиш ниятидателефон гушагини кулигаолди. - Э, йук, тухта, - Маруся ховлига чиккач, каршисидан келаётган сокчини утказиб юборди-да, Мадалининг билагидантутди. – бе ерда колмаймиз. Меникига борамиз. -Нега? – суради Мадали атайин. - Сенга

айтадиган гапларим бор. Сен шу ерда кутиб тур, мен карияни кундиришга харкат килиб кураман. Маруся оркага югурганча тепакалнинг хонасига кириб кетди. Орадан-иккиуч дакика утиб кайтиб чикди. - Булар яна бир уйинни бошлаётганга ухшайди хаёлидан туказди Мадали. – йу-уй, энди мени кулга тушириббупсанлар! Узларинг хушёр тортириб куйдиларингми, бу ёгига уйлаб кадам босадиган булдим. Манави манжалакиниям сув юзига чикараман. Мана булди деди Маруся кулимсираб. – кария кунди. Кани, кеттикташкарига машина кутиб турипти. Менга кара, нега оксаяпсан-а? оёгинг шунчалик ёмон огрияптими? - Хеч киси йук утиб кетади., -кул силатади Мадали аёлнингоркасидан эргашиб. – яхшиси, тезрок сеникига борайлик, одам кутуриб кетди жуда. - О, кунгиллари яна нима истайди? –эркаланиб Мадалини култигига кирди Маруся… Машина йулга тушди. Бирок оркаларидан бошка машина хам изма-из кетиб борди. Мадали кузатишаётганини аник сезиб турган булса-да, атайин Марусядан сураб куйди: - оркадагиларга нима булган? Думга ухшабэргашиб келишяпти-я, - Этибор килма, - уктирган булди аёл. – буларда коида шунака.

Уйгача кузатиб боришлари тайинланган. Ундан кура, мени каттикрок куч! Согинганман ахир! «Итдан таркаган-эй, уйлади Мадали зимдан Марусяга расм солиб. Турмага, карияга кунгирок килиб, мени огир кунларга куйганини билмайди деб уйлади, шекилли. Хали караб тургин, оёкларимга бош урдирмасам, отимни бошка куяман» Машина ярим соат деганда Марусяни квартираси рупарасига келиб тухтади. Оркадаги машина эса тезгина утиб кетди. - Бу галл арок, майда-чуйда сотиб олишинг шарт эмас, -кулди Маруся ичкарига киришгач, Мадали авайлаб ечинтираркан. – бугун сен мени азиз мехмоним

буласан. Колаверса, келгусида килинадиган ишлар хакида гаплашиб оламиз. - Сен ростдан хам разведкада хизмат киласанми? Токати ток булиб сурай бошлади Мадали. – факат тугрисини айт? -Хали бухакда билишинга эрта. Яхши, узингни илгари кимбулганлигингни эслашга харакат килиб кур. - Мен хеч нарсани эслай олмайман, - ёлгондан гап бошлади Мадали. Шундай йул тутиш маъкулрок эканлигини машинада утирган махал обдон уйлаб олганди. - Нега эслай олмайсан? – сурaди Маруся. – бирор гап булганмиди ушанда? -Качон? - Нима десам экан?Банкни умарган пайтингда.Бу гаплардан сунг Мадали кайтадан хаёлга толди. Пул, банк, соткинлик. Бундан чикди, кимдир бу боскинчиларни чув тушириб кетган. Тухта, кария боя разведка ташкилоти хакида гапирганди. Демак, уша одам разведкага алокадорбулган. Лекин бу ерда Мадалини нима алокаси бор? Мадали Марусяни куйиб юборди-да, секин кузгу каршисига бориб тухтади. Ха, куриниши худди руснинг узи. Сира шубха йук. Нахотки, соткинга ухшаса? Нега? Бу тасодифми ё олдиндануйлаб топилган уйинми? Яхшиси, манови аёлдан суриштириб билади. Ушанда балки, келгуси режалари хам ойдинлашар!
Банкни качон умарганман узи? – сурaди Мадали. - Буям эсингда йукми? - Улай агар, хеч нимани эслай олмаяпман. - Нега, нега? -Билмадим. Эс-эс биламан. Мени урмон ичкарисида ун чогли эркак ураб олди. Роса калтаклашди. Хушимдан кетканимни аник биламан. Унда кейин эса…шифохонада узимга келдим. Минг афсус, ушандан бери узимни ким эканлигимниям эслай олмайман. Гуё тирик мурдадай куча кезардим холос. - Шунака дегин? – уф тортиб Мадалига якин келди Маруся. –яхши иш булмабди. Аник, сени разведка ташкилотидагилар калтаклашган. - Нега энди? - Сен, ахир, карияга хизмат килардинг. Бошликлар иккаламизниям унинг ортидан тушишга, бойликларини давлат хисобига олишга, узини эса жиноий жавобгарликк тортишлари учун тутиб беришимизни исташган. Шу максадда бизни уларнинг орасига кушиб куйишган. Биз эса пулларни ортидан кувиб, асосий ишимизни унитиб куйдик. - Унда сени нега шу вактгача тута олишмади? Мен чап бериб юрибман. Биламан, барибир изимдан аллакчон тушишган. Бирок мен хам осонгина жон бериб куядиганлардaнэмасаман. - Факат пулни дебми? - Булмаса нимани?Ахир, бу дунёда нима учуняшаяпмиз? Пул учун эмасми? «Мана буниси жуда кунгилдаги гаплар булди, уйлади узича Мадали. Кара, хамкасбим билан бир тушакда ётиб юраверибман-у, хеч вакони билмабман. Куйнимдаги илонни сезмабман. Йу-уй, энди хаммаси аён. Бу ёгига узимни уша соткин йигиткиёфасида деб биламан ва харакатни давом эттиравераман. Бошликлар адашишмайди. Мени махсус операция килиб, мана шу боскинчилар ортидан куйишган булса ажаб эмас! Буш келма, Мадали! Йук, Мадалимас, Михаил Салаев! Сен энди албатта голиб буласан!» -Их! –Мадали тусатдан чапкуксини чангаллаб курсига утириб колди. Маруся эса ховотири ошиб, дархол тинчлантирувчи дори топиб унинг кулига тутказди. - Ма, ичиб ол! Огрикни колдиради бу! Мадали дорини олишга олди-ю, ичмади. Чунки, у Марусяга нисбатан ишончини йукотиб булган эди.
Чап кукси туни билан Мадалига азоб бериб чикди. Огрикдан устун келиб булмасди. Аёлнинг огуши хам дардини унитишга ёрдам бера олмади. Ярим тунда бир бурчакка беркитиб куйган дорини ичишга мажбур булди. Шундан кейингина ярим соатлар вакт утиб огрик пасайди ва у ухлаб колди. - Сендан бир илтимосим бор, - деди эрта тонгада Марусяни туртиб - Нима илтимос, жоним? – уйку тула кузларини ишкалай-ишкалай Мадалининг куксига бош куйиб сурадиаёл. – ичгинг келяптими? -Канака ишич? Мен бир жойга бориб келишим зарур. Лекин анави шотирлардан куркяпман. Кузатиб юришлари тайин.-Тугри, кузатишади. Хуш, нима иш? Каерга бормокчисан? Мендан хам яширасанми? Мадали уйланиб колди. Нима килсин? Айтсинми? Ахир, энг якин дустига хам айтиб булмайди бу сирни.Айтса-ю, бу аёл туппа-тугри карияга кунгирок килсачи. Кунгирок килиши аник. Чунки, узи кеча сездириб куйди. Уни факат пул кизиктиради. -Сенгаям айтиб булмайди, -деди нихоят бир кароргакелиб. – бу менинг шахсий хаётимга оид. - Хой,

жосусда шахсий хаёт нима килади? – урнидан туриб кетди Маруся. – сен курган нарсаларни менам курганман. Айтавер, сотиш йук. -Сотасан. Сендакаларни купини курганман. -Мободо сотмасам-чи? - Э, дорихонага боришим керак. Курдинг-ку, туни билан огрикка чидаёлмай тулгониб чикдим. - Мен хеч нимани курганим йук. Ухлаганман. - Ухлаганмиш, -тунгиллаб куйди Мадали. –холи жонимга куймасдан ёпишган-у, ухлаганман дейди-я. - Согингандим, ахир.-Мадалини буйнига осилди Маруся. - Бупти, хозирча кулингни тортиб тур. Мен дорихонага бормасам булмайди. Сен уларни чалгитиб туришинг керак. - Буни осон дейсанми7 чалгитиб эмиш! Биласанми улар ким7 бутун бошли мафия-ку! Сен билан менга ухшаган жосусларнинг юзтасини битта кармок билан илинтира олишади.- Булмаса нима килай? Жоним огрисаям утиравераймИ? - Таваккал кил. Чалгитиш керакми? Узинг уйлаб топйулини. Ахаир, бунаканги ишларга устаси фарангсан-ку? - Менга кара, Маруся, -аёлнинг елкаларидан тутиб узига каратди Мадали. – сен менга ишонасанми. Хуш, ишондим хам, дейлик нима бупти? -Уша пулларга иккаламиз эга чикишимизни истайсанми? - У-у-у, - кул силтаб куйди у. –сен Тимани билмайсан. Бутун иттифок буйлаб казо-казолардан танишлари бор. Улар бир товокдан овкат ейишади. Йук, сен бу гапларни унут.Бефойда. - Кел, узинг айтгандек, таваккал килиб курамиз. Зора, омадимиз чопса. - У ёкдаги ишларчи? -Уйлаб кур, бугунми-эртами, иккаламизниям барибир тутиб олишлари мумкин. Ундан кейин бу ёруг дунёни кайтиб курмайсан.Кел, олдини оламиз. Агар тез орада Тимани бир ёклик килсак, кунимиз туг’ади. Колганлари нима бупти. - Узинг биласан. Мободо, шу ишни уддалашинга каттик ишонаётган булсанг, билгинки, мен хамиша ёнингдаман. - Факат сотишни хаёлинга келтира курма. - Суз бераман. Энди сени сотмайман. Мадали учун шу гапларнинг узи кифоя булди. У, энг аввало, каршисидаги китмир ва хавфли аёлни кулга олиши шарт эди. Чунки, давлатнинг мухим вазифасини адо этиш учун йулланганига шубха йук. Бу йулда эса хар кандай хавф-хатарнинг олдини олиш керак булдади. У дорихонага чикиб келишини яна бир-бор Марусяга эслатибкуйди-ю, бошка кийимларкийиб ташкарига йул олди. Лекин келишилгандек, ярим соат ичида бу ерга кайтиши ва Маруся билан кариянинг кароргохига етиб бориши шарт эди. Мадали йулда кетиб бораркан, икки кузиунг ва чапдаги машиналарда эди. Биларди. Кайсидир бурчакда, албатта, уни тепакални шотирлар кузатишади. Ким билсин, яна кайсидир пана-пасткамда ташкилотидан кулган зуфиялар хам хар кадамидан огох булиб туришгандир. Мулжалланган тор кучага етиб таниш подъезд томон бурилшач, дарахт панасида буйдор, озгиндан келган, бошига спортчилар киядига калпок кундириб олган рус йигити, йулига чикибкундаланг булди. -Кутини титкилаб овора булма! – деди у саломни хам насия килиб. - Сиз кимсиз? –суради Мадали тушунмай. - Бунинг ахамияти йук. Мана, конвертни чунтагинга солиб куй. У ерда барча курсатмалар баён килинган. Рахбарлар сенгасалом айтиб юборишди. Ишни яхши бошлабсан. Уларнинг рахматини кабул эт.Мадали тушундики бу йигит хам узларидан. - Тухтанг, хозир мени кузатишяптими? –ховликиб суради у. - Шуниям билмайсанми? – совук тиржайди йигит. Ёш болани саволини берма. Бизнинг ишда кузатувсиз хеч нарсага эришиб булмайди. -Тушундим.

- Хуп, омадингни берсин! Мадалиортга кайтди. Йигитнинг кай томонга юришини зимдан кузатишни хам лозим топмади. Куп каватли уйлардан бирининг панасига утди-да, чор атрофга яхшилаб раз солиб, хеч ким йуклигига амин булгач, конвертни очиб ичидаги хатга куз югиртирди. «Сен карияни улдиришинг лози! Бунинг учун сенга икки кун мухлат берилади. Колган топширикларни учунчи куни ше ердан оласан!» хатда шу жумлаларгина ёзиб куйилганди. - Ха-а, энди хаммаси аён, уйлади Мадали бош кашиб шунинг учун хам мени турмага, ундан сунг кария… хаммасини олдиндан уйлаб килишади-да, бизникилар! Бирок тепакални… шундай каллакесар, мафиячини кандай килиб улдирса булади? Пичок биланми? Йук. Бугиб улдирсинми? Бугишнинг узи буларканми? Уйига портловчи мода куйсинми? Йук, шовкин кутарилади. Бу ишда ортикча вахим хам узингакарши хизмат

килиб куйиши мумкин. Эх, зарурбулганда, манови мия хам ишламай котиб колади-я!Мадали конвертни хатга кушиб ёкиб юборди-ю, шошилинч йулга тушди. Тухта, ихтиёримдаяна ун дакика бор, - дея шивирлади Мадали дорихона рупарасига етганида ва эгнидаги костюмининг тугмасини ечиб ички чунтакдан пул олмокчи булди. –Ие, бу нима? Не куз билан курсинки, костюмнинг чунтагидан беш сантиметрча паст кисмига худди гугурт чупидек келадиган кора нарса ёпиштириб куйилибди. Пластмассасимон матохдан! «Микрофон-ку, кунглидан утказди Мадали. Курсдалигимиздахудди шунака микрофонлардан фойдаланганмиз. Вой, ярамас- ей! Бекорга кучок очиб хайрлашмаган экан-да! Шу бахонада костюмимга микрофон урнатишга улгурган. Ана энди улар менинг хар бир огзимдан чиккан сузимни бемалол эшитиб утираверишади. Майли, бир томондан шунисиям маъкул. Харкалай, ортимда рахбарлар борлигини хис етиб тураман » Мадали катта кучадаги у ёкдан- бу ёкка гизиллаб утиб турган машиналарга угринча куз ташлаб олгач, дорихона ичкарисига кадам куйди. Аммо дархол оркага кайтди. Йук, хозир унга кора кузойнак зарур! Бусиз булмайди.

Мадали автобус бектига борди. Юра-юра, урта яшар бир эркакни гуё сезмай колганкаби тусатдан туртиб юборди. Эркакнинг кулидагиларига кушилиб кузойнаги хам ерга тушибкетди. У кулидан тушиб кетган халтани олгунича, кора кузойнак Мадалини чунтагига бориб тушди. «Ана энди бемалол дорихонага бораверсам булади. Бу кузойнак кузлаган максадимга етишимга ёрдам беради.» дорихона сотувчиси олтмишларга бориб колган бир аёл эди. Каршисида пайдо булган девсифат, боз устига кора кузойнакли Мадали куриб бироз довдираган хам булди. - Келинг ука, -дея мулозамат кила кетди сотувчи аёл. –кандай дорилар керак булиб колди сизга? - Менга манови когозда ёзилган доридан иккитасини беринг! –жиддий охангда суз котди Мадали. Борми? - Албатта, - шошиб колди аёл. Бизнинг дорихонада хамма дори бор. Соглигингиз безовта киляптми? - Ха, мазам йук. Таниш шифокор шу доридан фойдаланишни маслахат берганди. - Жуда тугри айтибди. Бу дори жуда яхши ва тез таъсир килади. Хозир. Сотувчи аёл кулига чиройли халтача олиб жимжилокнинг ярмича келадиган шишачалардаги дорилардан иккитасини солди ва Мадалининг кулига берди. -Пулини олиб куйинг! - Хуп! Мана, кайтими! Дорихонамизга келиб туринг. - Хеч кимнибу ерга келгулик килмасин! – кулди Мадали чикиб кетаётиб. Каерларда юрибсан? –аллакачон ташкарига чикиб кария юборган машина олди-да токатсизланиб турган Маруся Мадалини уришганбулди. – ун беш дакикадан бери кутяпмиз ахир! - Сал ушланиб колдим, деди Мадали машинага чикиб утираркан. – узримни кабул кил! -Бундан кейинкечикишни одат килмагин! Тимофей амакиётирмайди. - Кетдик! Машина куз очиб юмгунча кариянинг саройлардек ховлисига кириб борди. Икковлашиб ичкарига кадам куйишди. -Хуш, йигит, Маруся яхши дам олдирдими? – Тимофей гуё хеч гап булмагадек кулиб Мадалини кучди. - Бу аёл профессионал-ку! – у хам кулиб жавоб килди. - Жуда яхши. Эндикечаги иш хакида гаплашиб олсак хам булар-а? - Тима, - деди Мадали кутилмаганда карияни «сен» лаб. – мен туни билан булиб утган хамма ишларни эслашга уриндим. Аммо халиям хотирам панд беряпти. Илтимос, менга тагин икки кун мухлат бер. Биласан-ку, узим сенинг каршингда гунохкорман! Хижолатдаман! Лекин ишонтириб айтаманки, барча айбларимни юваман.Агар уз мехнатим билан юва олмасам, коним билан ювамаn
Мана бу хакикий йигитнинг сузи булди, -деди кария. –тугри, соткинлик килгансан. Агарбошка одам булса, сени аллакачон улдириб юборарди. Афсуски, мен бундай кила олмадим. Биласанми нима учун? -Нима учун? – узини гулликка солиб суради Мадали. - Негаки, сен уз ишингни устасисан. Ановишотирлар бир пул. Биттага битта сен билан рубару булишса, ип эшолмай колишади. Майли, мухлат булса мухлат-да, мен жуда сабрли одамман. -Рахмат - Аммо бекор утирмайсан. Бугун тунда чет элдан бир вагон кора дори келтиришади. Ушани кабул килиб оласан. Кани,сени яна бир синовдан утказай-чи!

Нима дединг?- Тайёрман! Энди чиксам булар? - Чикавер! Ёнингда Маруся булади. Сени йукотиб куймаслигимиз керак, ахир! Маруся кула-кула Мадалини култиклаганича ташкарига олиб чикиб кетди. - Менга кар, - дедимахсус ажратилган хонагакиришгач Маруся. – сен халиям ниятингдан воз кечмадингми? -Нега сураябсан? Ё сотиб улгурдингми? - Йу-уй, нега сотай? Бу иш жуда нозик. Пайкаб колишса борми, иккаламиз хам тамом буламиз. - Мободо пайкашмаса-чи?-суради Мадали муштларини тугиб. - Билмадим. Айникса, бугунги иш. - Нима, куркяпсанми? - Мен-а? бу сузни аллакачон унитиб юборганаман. Милисалар ишкал килиб куйишмасайди. - Агар, мелисага тушиб колсак нима килардинг? - Менми?Сени танимаганга оламан узимни. - Шунаками? Оббосен-ей! Барибир аёллигинга борасан-да-а?- Хазиллашдим! – Мадалини лабига кафтини босди Маруся. –энди улсак хам бирга уламиз, ахмоквой! - Мана бу бошка гап. Кани, бир ётиб дам олайлик! Чап томоним тагин огришни бошлайпти. Нихоят кутилган онлар якинлашиб, кариянинг шотирлари икковаини машинага утказиб вокзал томон йул олишди. Мадали орка уриндикда –Марусянинг кучогида жимкетиб борар, режалаштириб куйган ишини кандай, качон бошлаш хакида бош котирар, хозирги килинажак калтис иш хаёлига хам келмасади. Нихоят, етдилар. Бирок вагон кириб келишига хали икки соатча вакт борлигини айтишди. - Мен бир хожатхонага кириб чикай! – деди тусатан Мадали токатсизланиб. – негадирошкозон безовта киляпти.Олдинда утирган йигит уни огохлантирган булди: - Бу ерда хар кадамда бизнинг йигитлар изгиб юришади. Кочишни мулжалласанг, ёмон булди. - Мен сен уйлаганчалик жинни эмасман, - зарда билан жавоб килди Мадали. – нима килаётганимни яхши биламан. У машинадан тушди-да, хожатхона томон кетди. Кутилганидек, машинадаги йигит секин пастга тушиб, ортидан йул олди. Афсуски, йигиткайсидир поездан тушиб, бутун вогзални егаллаб олган йуловчилар орасидан утаётиб Мадалини куздан йукотди. Шунда хам хожатхона томон кетганини билгани бои суша тарафга караб юрди.Мадали хакикатдан хожатхонага кирган эди. Лекин кирибок эндигина хожат чикармокчи булиб турган кийимлари жулдур, пиёнистани тутиб алохида хоналардан бирига судради ва бармокларини лабларига босиб «овоз чикара курма» ишорасиникилди. Узи эса хожатхоналампочкасини уриб синдирди. Менга кара, - пиёнистага уктирди Мадали. – манови пулларни оласан-да, хозир мен айтган ишни киласан! Пиёниста кулига тутказилган бир даста пулни куриб ховликиб колди. - Хуп булади! Айтинг! Мадали чунтагидаги дорилардан бирини чикариб бошка чунтагига солинган минерал сувни кулига олди. Сунгра шишадаги доридан чой кошикда улчаб минерал сувга керакли микдорини томизди. - Мана шуни охиригача колдирмай ичасан! – деди пиёнистага. – ичмасанг, пулдан хам, жонингдан хам айриласан. Ичсанг, пул сенники, кетаверасан.Пиёниста аввалига сувданбир хуплаб курди. Оддий минерал сув. Хеч кандай ортикча таъм йук. Узича хиринглаб олган булди-да, сувни бир кутаришда сипкориб ташлади. - Энди кетаврайми? – суради Мадалига умидвор термилию - Шошилма. Ун дакикача шу ерда турамиз. Факат овоз чикарма. Бизни кузатиб юришибди. Шу орада ичкарига шотир кириб келди, шекилли, овозини борича бакира бошлади: - Миша! Каерга гум булдинг?Шу ердамисан? - Х-ха-а, шу ерда булмай гурда булармидим? – ясама инкиллаш билан жавоб килди Мадали. –бемалол утиришгаям куйишмайди-я! -Утиравер, шу ерда экансан етади. Шотир чикиб кетди. Бирок Мадали биларди. У узоккакетмайди. Эшик олди-да кутади барибир. На илож? Дорини кучини текшириб олмаса булмайди. У пиёнистани не ахволга тушишини кута бошлади. Адашмаган экан.Орадан роппа-роса ун дакика утгач, пиёниста унитаз каршисига чукди-ю, уйкуга кетди. - Бу нусхани каерга беркитсамэкан? – бош котирди Мадали. –иш битгандан сунг натижасиниям билишим керак-ку! Бурчакка ётикизаман-да, ярим соатдан кейин келибхабар оламан. Дори ростдан хам кучли булса.,шу муддат ичида ёруг дунёни тарк этади. Мадали астойдил хуррак отаётган пиёнистани судраб хожатхонанинг куздан панарок бурчагига ёткизди-да, узи ташкарига чикди. Умрида катта жиноятларга шерик булибкурмаган йигит учун бу ишни

амалга ошириш анча кийин кечиши аник эди. Мадали бир вагон опок халтачаларга жойланган кукунларни бирми-бир кулига олиб кураркан, хайрон буларди.Нима килишади бу нарсаларни? Уннинг узи! Кандай фойдаланишади-ю, кайфи канака? - Бир хидлаб куриш керак, -дебколди кариянинг унг кули хисобланган Валера исмли шотир. – ярамаслар утган галл молнинг ярмига оддий унни тикиб юборишган. - Узинг хидлаб куравер, -Мадали унга халтачалардан бирини тутказди. - Тима амаки буюрганлар. Факат сен татиб куришинг керак экан. - Мен ахмок эмасман. - Окибатидан куркмайсанми? - Мен факат худодан куркаман. - Жуда яхши. Бу гапингни,албатта, карияга етказаман. Валера на иложхалтачани очиб ичидагини татиб курган булди. Хаммаси жойида эканига ишонди чоги, ишга шай турган бир гурух йигитларга вагондагиларни машинага ортишга буюрди. Сен буларни менингурнимга кузатиб тура олмайсанми? –суради Мадали ёнида бамайлихотир сигарет тутата бошлаган Марусягаугрилиб. - Нега? Тинчликми? -Корин яна безовта киляпти. Тез кириб чикмасам булмайди. - Оббо, корнингхам жонга тегди-ди! Топгавактини-чи! Бупти, тез кел, тагин ановилар шубхаланиб юришмасин! -Кираман-у, чикаман! Мадали худди корни каттик огрий бошлагадек югурганча хожатхонага йул олди. Хайриятки, хамон ичкаридаги лампочка алмаштирилмабди. Хожатхона коп-коронги. У кулига кичкинагигна фонарни олди-да, ёкиб бурчакни куздан кечирди. Пиёниста кимир этмасданётарди. Юрагига кулок тутиб курди. Аллакачон уришдан тухтабди. Хатто, кул-оёклари хам совиб улгурибди. - Декмак адашмабди, - деди узига-узи Мадали. Дори ярим соат ичида уз таъсирини утказаркан. Худога шукур, агар омадим чопса, шу кечаёк уз максадимга эришадиган булдим ишкилиб, бераридан кисмасин! Кора дори операцияси муваффакиятли чикди. Мадали Валерани хам дам олишга жунатиб Маруся хамрохлигида катта микдордаги мол юкланган машинани мижозларга етказди ва пулларни шахсан тепакалнинг кулига олиб келиб топширди. -Сен гунохларингни бир кисмини ювдинг, -унинг елкасига кокиб куйди кария. –пулларни бир тийинига хам хиёнат килмабсан. Бу жуда яхши. Хуш, ювамиз-да, бу ходисани?! - Майлими шундок хожатхонага кириб чиксам? – хижолат тортган куйи карияга умидвор бокди Мадали. - Бунинг корни огрияпти! –кулиб юборди Маруся. Вогзалдаям икки марта катнаганди. - Шунаками? Майли, каршилигим йук. Факат сен кузатиб бор. -Хуп булади. Мадали Марусянинг кузатуви остида ташкарига чикар экан, хожатхона томон юрди. Шошилмаса булмасди. Айни пайти. Кария ичкилик таклиф этиб турганида харакат килиб колмаса, кейин кеч булиши мумкин. - Ичкиликни ким келтиради карияга? – секин шивирлаб суради у Марусядан. - Ким буларди? Хизматкор аёллар-да! - Сенга бир калтис илтимосим бор. Агар шошилмасак кейин кечикамиз. - Хуш, нима дейсан яна? -Манови дорини кариянинг кадахига куйиб куйиш керак. - Бу нима узи? - Ухлатадиган дори. Шу йул билан биз ниятларимизи амалга оширишга киришамиз. - Жуда хавфли-ку бу иш…сезиб колса… - Сен сездирмасдан харакат кил. Ахир…. -Бупти,бер! Маруся ими-жимида Мадалининг кулидаги дорини олди-да, сийналари орасига беркитди. Кария кайф-сафо учун факат Маруся ва Мадалини бехуда танламаганди. Мадалига барибир ишонмас, максади уларнинг икковини хам шу кеча нариги дунёга жунатиш эди. Бунинг учунхаммаси олдиндан режалаштирилиб олинганди. Хизматкор аёллар коньяк тулдирилган кадохларни олиб келишади. Иккита кадахдаги коньякларга захар аралаштирилган. Шу йул билан кария улардан уч олишни ният килганди. Афсуски, улгурмади. Иккови хам огуаралаштирилган коньякларни ичишга шошилмади. Кария эса уз кадахини бушатиб, навбатдагисига буюртма берди. Орадан хеч канча утмай, у каравотга ёнбошлади-ю, уйкуга кетди. Шошиб колган Мадали дархол ташкари эшикларни тамбалаб, магнитафонни овозини янада баландлатиб куйди.Эндиги иш Валера хамда карияга содик булган бошка шотирларни кулга олишдан иборат.

Кани, хаммасини буёкка чакир! – Марусяга буюрди у нариги хонага кариянинг жасадини беркитгач. –бирортасиям ташкарида колмасин. - Куроллари-чи? - Ха-я, ахир, куролланган-

ку! Энди нима киламиз? - Тухта, бу эрда асосий хавфлилари икки киши. Валера в ахов анови бинода ухлаётган малла. Бояги дорингдан пича колганди. Уларниям олдинухлатиб куйями? - Дорини нима киласан? Ана, иккаламиз учун махсус тайёрланган захар. Ушаларни бир амаллаб ичир, вассалом. -Кейин-чи? - У ёгини менгакуйиб беравер. Маруся пилдираганича икки кадах куйилган патнисни кутариб ташкарига йул олди. Мадали эса эхтиёт шарт жамадон тула кукимтир пулларни диваностига беркитиб, карияга тегишли куролларни белига такиб олди. «Тухта, мен нима килмокчиман узи, уйларди Маруся, секин-секин одимлаб бораркан. Ахир, у ёлгиз булса! Валералар эса купчилик колаверса, уларнинг кандай кучга эканлигини яхши биламан. Йук, мен унга хакикатни айтмасам булмайди. Мишага барибир ишониш кийин. Бир кун келиб мениям йук килиш пайига тушиб колмаслигига ким кафолат бера олади? Ха, тугрисини айтаман. Биламанки, у хар кандай шароитда хам енгилади, таслим булади. Балки, шукечанинг узидаёк итдай улиб кетар» Аёл Валеранихонасига киргач, кадахлар жойланган патнисни стол устига куйди. Йигит бу махал телефон оркали ким билан дир гаплашиб утирарди. Аёлнинг кириб келганини куриб гапни киска килди ва гушакни жойига куйиб урнидан кузгалди. - Валера, шуримиз куриб колди! – эшикни ичкаридан тамбалаб суз бошлади Маруся. – Нима гап? - Тима оламдан утди. - Нима? Кандай? К-канакасига оламдан утади? -Анови ярамас Миша улдирди уни. - Миша? Оббо, ифлос-ей! Билардим…билардим. Мурда… мурда каерда? - Хонасида. Миша тепасида утирипти. - Шунака дегин? Хеч гап булмагандай а? - Энди нима киламиз? Ана, менга курол укталиб сизларниям тинчитишга юборди. Хов анови конъякларга захар кушиб берди. - Захар? У бизга захар бермокчи булдими? Валера кутилмаганда Марусянинг томогидан бугиб олди. - Гапир, ифлос, балки хаммаси сенинг ишингдир а? ахир,сен… - Б-бу нима деганинг? Томогимни куйвор, улдириб куясан! Куйвор! - Гапир! – кулларини олиб аёлни диванга утказди Валера. –гапир! Факат хакикатни гапирасан! Йукса! - Хуп, узингни бос! У хаммани улдириб пулларга эга чикмокчи! - Сен-чи? Сен нега унинг гапларига лакка тушиб юрибсан а? -Лакка тушганим йук. Охирини кутдим. Холос. Менга кара, Валера жоним! Хаммаси тугади. Энди карияни ортга кайтариб булмайди. У улган, тушуняпсанми улган! Бу ёгига нима килишимиз хакида бош котиришимиз зарур. Мени… мени хайдаб юбормайсан а? айт, хайдаб юбормайсанми? Ахир, сенга содик колдим-ку! Биламан, энди карияни урнини сен эгаллайсан! - Ха, мен эгаллайман! –Валера бушашиб секин урнидан турди ва дераза оша ташкарига уйчан тикилибколди. - Бир тарафдан-чи, яхши булди уша тепакалнги улгани. Кейинги пайтларда жа хаддидан ошиб кетганди. Мендан пул яшира бошлаганди. Баракалла, зур иш кипти улдириб уша Миша! - Хуш, энди нима киламиз? Бир огиз айтсанг бас. Мен хамма ишни киламан. Хамма ишни? Жудаяхши. Яхшилаб кулок сол,бугун тунни яна Мишани куйнида утказасан. Факатузок вакт эмас. Уйкуга кетиши билан манови туппончадан унга караб УКузасан. - Йук мен бундай кила олмайман. - Нега? - Туппончам борлигини сезиб колиши мумкин… - У холда тунда ухлаётган хонасига пойлаб кирасан-да, тинчитасан. Хуллас, ортикча овоз чикмаслиги лозим. Ундан кейин навбатдаги ишларни уйлаб кураверамиз. - Бу маъкул, -тиржайди Маруся – мен кетдим. - Билиб куй, - унинг ортидан огохлантирди Валера. – хар бир кадаминг кузатув остида булади. - Биламан. Марусянавбаттадиги котиликка узини таёрлаб олгунча тун ярим булди. У Мадаликолиб кетган хонага йул олганида, чироклар учган,факат ташкарида у ёкдан-бу ёкка бориб келаётган сокчиларнинг кадам товушлари-ю, аллкаерлардадир уз тилида зур бериб куйлаётган курбакаларнинг куруллашигина кулокка чалинарди. Маруся коп-кора кийимда, кулидаовоз пасайтиргич урнатилга туппончани енги орасига яширган холда ичкарига кириб борди. Остона хатлаб хонага кадам куйгач, бир муддат тухтаб, кулокларини динг килди. Корогилик каъридан хуррак овози бемалол эшитилиб турарди. Маруся узича мигирлади: - Ахмок, хоким булмокчи! Ким хам сенинг гапларинга лакка тушарди?! Кимлигингни, максадингни билмасам экан. Эрта мениям худди Тима каби бугизлашга

тайёрсан. Бугизлатиб бупман! Ушандай манаман деган махсус хизмат катталарига чап берган сени уйинимга уйната олмайманми? Майли, насиб этса, бир кун келибу дунёда учрашармиз. Ушандаям менинг пайимгатушмасанг булгани. Сендакалардан хамма балони кутиш мумкин. Маруся каравотга якин колганида, туппончани тугирлаб икки маротаба УК узди. Шу захоти эркак овози тинди. - Ха-а, - уйлади аёл баданидаги титрокни енгишга уриниб.–холинг иккита ук холос сенларнинг. Ишкилиб, жойинг жанатта булсин. Шу лахзада кутилмаган ходиса юз берди. Дераза пардаси секин очилиб коронгилик куйнида Мадалининг шарпаси куринди. Шошиб колган Маруся шунча харакат килиб тепкини боса-да, ук отилмасди. - Уша хамтовокларинг сенга бор-йуги иккитагига ук беришганга ухшайди.- кулиб аёлга якин келди Мадали ва кулидаги тупончани тортиб олиб деразадан ташкарига иргитиб юборди. – афсус,яна орзуйинга етолмиайдиган булдинг. Омадинг йук экан! Жонидан. Кимирламаларинг! – бу овоз Валерага тегишли эди. Мадали курдики, рупарасида у туппонча укталиб турипти. Тезда оркасига угирилиб узи беркитиб куйган автоматни олишга тутинди. Бахтга карши, деразадан хам иккита автомат унга тугирлаб куйилганди. - Жа айёр экансун-ку а? –иложи борича узини босиб Валерага юзланди Мадали.– узинг мени улдириш учун манови манжалакини жунатдинг. Энди яна узингкелиб бизни куршовга олдинг. Максадинг нима узи? - Бунинг кулларига кишан уринглар! – буюрдиВалера оркасида турган сокчиларга. Мадали ортикча каршилик курсатиб утирмади. Унингкулларини кишанлаб олибчикиб кетишди. - Сен-чи?– Валера энди лабларини асабий тишлаб куяётган Марусяга ушкирди. –соткин! Индамасдан кетаверади деб уйлаганмидинг? Чучварани хом санабсан! Сенга ухшаганлар, хеч кимга вафо килишмайди. Нихоят туппончадан икки-уч маротаба ук узилди. Маруся полга кулади. Валера эса хотиржамлик билан колган икки йигитга мурдани йук килишга буйрук берди-ю, Мадали олиб тушиб кетилган ертула томон йул олди. Уринглар! – ертулага кирибок икки кули, икки оёги кериб йугон бир ходага осиб куйилган Мадали томон ишора килди Валера. –эсини йигиб олмагунча ураверинглар! Факат улдириб куйманглар, хали бу нусха бизга аскотиб колиши мумкин. Уч барзанги кулларидаги теми рва занжирлар биланМадалининг оёк, бел, елкакисмларини мулжалга олган холда ура бошлашди. У токати етгинча ушбу зарбаларни енгишга уринар, их деган овоз чикармасди. - Бу ифлосни жони темирдангаухшайди! –дея Валерага угирилди ураверib куллари чарчаган бир йигит. – каранг хушиданам кетмаяпти! «Демак, хушимдан кетишимни кутишаётган экан-да, хаёлан мулохазакилган булди Мадали навбатдаги зарбани бели аралаш кабул килиб олаётиб. Яхши, буни курсда жуда усталик билан узлаштирганман. Хушимдан кетсам кетибман- да!» у атайин бир-икки маротаба чукур нафас олган булиб, бошини унг ёнбошига туширди. - Булди, бас килинглар! – деди Валера йигитларига. – хушидан кетти чоги. Устидан муздай сув куйиб узига келтиринглар! Гаплашиб олишим керак. Буйрук адоэтилди. Барзангилар иккичелак сувни Мадалининг устидан сепиб хушига келтиришди. - Хуш, Миша, аклинг киргандир-а? – сурази Валера унга якин бориб. – биз кучли эканмизми ё сенми? -Мени азоблаб бекор киляпсан, - деди номигагина хиррилаб Мадали. – сен ким бупсан?Кариянинг анови бир чамадон пулига эга булдим, шу билан ишни давом эттираверaман, дебхаёл киляпсанми? Хато киласан. Биласанми, кария хаммангни алдаб кетган. Арзимаган пул бериб сенларни кулдай ишлатган-у, пулларнинг асосий кисмини узининг махфий хисоб ракамига жойлаб юраверган. Бу хисоб ракамларни хеч кайсинг билмайсан. Сенам,маллаям ахмоклардай оркасидан эргашиб юравергансанлар! Нима? Хисоб ракам дедингми? Хуш, ай туша хиссоб ракамларни! - Бекорларни бештасини айтибсан, угил бола! Меникалтаклаб жонимни огритасан- у, сенга сир айтарканманми? - Хуп, нима килсам айтасан? Ё яна чув туширмокчимисан? - Чув туширсам-чи, ушанда – карияни тинчитган махалим туширардим. Шундай улдирардимки, узинг хам билмай колардинг. Афсуски, сен хам, малла хам аклли йигитсанлар. Келгусида сенлар билан ишлашни мулжал килгандим. - Алдаётган булмагин тагин? - Сенга бор гапни айттим. Ха,

айтганча, Марусяни улдириб тугри иш килдинг. Барибир уни узим хам улдириб юбормокчи булиб тургандим. Ахир, пул масаласига аёл кишини аралаштириб булармиди?!- Майли, - Валера беихтиёр бушашиб Мадалини ечиб олишга бармоклари харкатлари билан буйрук берди. –хисоблагинки, ишондим.Хозир ичкарига кирасан. Малланиям чакирамиз. Уша айтган хиссоб ракамларни биз билан бахам курасан. Тушунтираолдимми? Мадали хозирча аркондан халос булганига мамнун эди. Боши билан зурга маъкул ишорасини килди ва энгашган куйи Валеранингоркасидан эргашди. Шошилмасдан Валеранинг хонаси томон кетиб бораркан, бир нарсани уйлаб колди. Хозир булар билан гаплашишнинг мавриди эмас. Чунки, аникрежалар колмади хиссоб. Бунинг учун яна эртага махфий алока кутисига бориши ёки утган гал мактуб келтирган йигитни кидириб топиб келгуси ишлар хакида аник топшириклар олишилозим. Бусиз факат ютказади холос. Сабаби эса равшан. Манавиларга умуман ишонч йук. Булар гирт каллакесар. Ухлашингни, гафлатга кетишингнигина пойлашади. - Сир эмиш, -узича мингиллади Мадали. –уша сирни мениям жуда билгим келади. Буларни жуда айёр десам, утакетган гулэкан-ку! Пандавакилар! Мадали юриб кетаётиб оркадаги сокчига сездирмаган холда икки-уч бор огзига кулини тикди-да, укчиб, кетидан кусиб юборди. - Сенга нима булди? – дархол оркага угирилиб елкасидан ушлади Валера. Хой? - Б-бугун. Мени тинч куйинглар! – дея хиррилади Мадали. –ошкозон! Ошкозон!.. Мадали тепакалнинг уйидаги алохида хоналардан бирига камаб куйилгач, хакикий туполон бошланиб кетди. Сирли хисоб раками хакидаги кутилмаган хабарни эшитиб жазавага тушган Валера ёнидаги Маллани олдида, мархум кариянингиттифокдаги кузга куринган барча танишларига кунгирок кила бошлади. Максади битта: кандай булмасин, уша хиссоб раками тугрисида аник маълумотга эга булиш ва улар кумагида Мадалини йук килиш! Афсуски, хеч ким унга узи истаган маълумотни бера олмади. Олис Кавказдаги танишларидан бири Челидзе деган миллионер тез орада йигитларидан бир нечтасини жунатишгава Мадалини уйиндан чикаришда ёрдам килишгагина суз берди, холос. - Итдан таркаган, -сукиниб хонанинг у бурчагидан, бу бурчагига бориб келарди Валера. – бу соткин каердан била колган уша хисоб ракамини? Нега кария буни биздан яширган? - Шуниям билмайсанми? – уттиз ёшга етиб сочлари окариб кетган Малла танбех берган булди. – ахир, у махфий хизматчиларга тегишли булган илгари. Кария унга катта пул вада килгач, сотилаган-куйган. Бундай соткинлар хамманиям осонгина сотиб кетади. - Хуш, нима килай? Айтсанг-чи? Кул ковиштириб утираверсак,эртага холимизга маймунлар йиглаб колади-ку! - Битта йули бор, -бошини кашиб Малла. - Канака йул? Тезрок гапир факат! - Уникайтадан кийнокка соламиз. Йук, калтакламаймиз. Бошкачарок йул билан азоблаймиз. -Кандай йул билан? Калтак хам таъсир килмади-ку унга! - Бу сафаргиси албатта, таъсир килади. Йигитларга айт, Мишани ертулага кайтариб олиб келишсин. Валера уф тортганича кулидаги телефон гушагини жойигакуйиб эшик томонга карата кичкирди. – Хой, ким бор? Тез киринглар, бу ёкка! Негадир жавоб булмади. - Оббо ифлослар-ей, улиб колишганми булар?! Валера шахд билан эшикни тепиб ташкарига чикди. Ховлида бирорта хам сокчи куримас, дарвозахонага бойлаб куйилган итгина бетиним гингширди.

Мадали камаб куйилган хонада чирок хам, деразалар хам йук эди. Унг бурчакка уч-туртяшар бола зурга сигадиган туйнук урнатилган булиб, камера тешикчаларини ёдга соларди. - Нега тинчиб колишдими булар? – кулогини динг килди Мадали. –бакириб курсаммикан? Нахотки, сокчилар кетиб колишган булишса? У туйнукка осилиб пастрок овозда сокчини чакирди. -Вей, ким бор? Бу ёкка кел! Хеч ким жавоб килмади. - кизик булди-ку! – шивирлади Мадали. – нахотки, мени ташлаб жуфткани ростлаб юборишди бу сокчилари? Уф-ф, нима килдим энди? Мадали симмилаб огрий бошлаган чап куксидан пастрогини кафти билан силаб-силабполга чузилди ва кузларини юмди. Анча вактлардан бери бу кадар хотиржамликка берилиб, сукунат амрига бусунмай куган экан. Танаси

бушашиб, узини хаёлан Бухорода – кадрдон кишлоги кучаларида тасавур эта бошлади. Йук, чикиб кетмасам булмайди. Бу ерда хароб буламан. Тухта, бизни манна шундай тешикчалардан чикиб кетишга кандай ургатишганди? Ха, эсладим. Аввал узингни рухан таёрлаб олишинг лозим. Сунгра бутун гавдангни ингича бир чизикка жойлаштирасан. Мана бундай. Чукур нафас олиб, кулларингни ён бошга ташлайсан. Ана энди аввал бошни чикариб кур. Мадали оёгини учида туриб туйнукка бошини тикиб курди. Разведкачи учун ана шундай усуллар вакти келса жуда аскотади. Мана, у осонгина, сира кийналмасдан ташкарига чикиб олди. Уйлагани рост экан. Бирорта сокчи куринмасти бу ерда. Колаверса, туйнук томорка тарафга караган эди. Пастга тушишга тушди-ю, кейин нима килишини билмай бир муддат туриб колди. – Йук, бу туришим хеч кайси конунга тугри келмайди., - уйлади у атрофга куз ташлаб. – исталган вактда ичкаридан чикиб тутишлари аник. Шунинг учун бир йулини уйлаб топмасам булмайди. Шошилишим керак. Хуш, нима килсам экан? Бу ердан кочганим билан кузлаган максадимга эриша олмайман. Аник биламанки, ташкилотдагилар буларнинг хаммасини йук килишимни исташади. Шундай экан, кетмаслигим керак. Яна курсда ургатилган усуллардан фойдаланаман. Мадали томорканинг нарги четига утди. Ер юмшок эди. Айнимуддао. Мана шу жойда чукур ковлаб, хов аноки дарахт шозлари остига беркиниш ва кузатиш мумкин. Лекин канча вакт кузатади? Кейин-чи? Нима килади? Худо бир йулга бошлар. Мадали чукур ковланадига ерни танлаб олиш ниятида олдинга юрди. Шу тобда нимадир шаракладикейин икки оёгини панжаларида кучли огрик хис килди. Огрик шу кадар кучли эдики, тишларигача гижирлаб кетди. – Вой, ярамаслар! –сукинди у эмаклай-эмаклай, узини осилиб тушган дарахт шохлари орасига олиб. –Копкон! Ким куйган? Нима максадда куйишган? Их! Бу аслида Мадали учун куйилган копкон эди… Валера уткир тишли копкон кисиб оёкларидан кон ока бошлаган Мадалини ертулада сабрсизлик билан кутиб утирар, Малла эса махсусигналарни икки йигитни кулига бериб ундан кандай фойдаланиш йулларини ургатиш билановора эди. Нихоят, Мадали сокчилар судраклаганча ертулага олиб киришди. Куплашиб уни икки кулидан олдиндан ясалган дорсифат темирларга осдилар. Разведкачи аввалгидек яна химоясиз,ожиз бир кимсага айлади-колди. Копконни ечиб олинглар! –буюрди Малла сокчиларга. Кандайдир калит билан копконни ечишди. – Кочишга анча нунок экансан, -масхоромуз кулиб деди Валера. –сенинг урнингда мен булсам, бошкачрок йулни топардим. Мадали жавоб урнига ерга тупурди. - Хуш, бу билан нима демокчисан? Кучлиман, кулларингдан хеч нарса келмайди демокчимисан? –суради Малла Мадалига якин келиб. – нега индамайсан? Демак, хисоб раками каердалигинаям айтмочи эмассан, шундайми? - Менхеч канаканги хиссоб ракамини билмайман., -жавоб кили Мадали. - Шунаками? Яхши. У холдабиз уша сирни эслашингаёрдамлашиб юборамиз. Кани, йигитлар, бошланглар! Елкаларига курол осган икки сокчи куролларини ерга куйишди-да, чунтакларидан узун игналар чикариб, Мадалига якин боришди. - Бошланглар, нега караб турибсизлар? – такрорлади Малла. –худди биз ургатганимиздек. Игналар Мадалининг баданига санчиб олина бошлади. У гик этмасди. Негаки, санчилиб олинаётган игналар зарби тирнок орасига тикилган каби танада огрик уйгота олмасди. «яхшиям булар уша кийнок усулини билшмайди, -кунглидан утказди Мадали кузларини чирт юмганча игналар зарбини кабул килиб оларкан. – акс, холда бу вахшийлар менинг жонимни сугириб олишаради.» - Вей, бу гикэтмаяпти-ку? –аъзойи баданидан тиззилаб кон окаётган Мадалига хайратаралаш бокди Валера. –тухтатинглар! Бу шугулланган куринади. Колаверса, улиб- нетиб коладиган булса, сир очилмай ерга кумилади. Яхшиси, кайтадан камаб куйинглар. Факат бошка хонага! Малла, курса тушахонани! Холдан тойган Мадалини яна ечиб олишди ва икки оёгидан судраб ташкарига олиб чикиб кетишди. У конига беланган куйи эрталабгача коронгиконада ётди. Гох хушиданкетди, гох кузлари очилиб махкам боглаб ташланган кул-оёгини ечишга уринди. Эпини топа олмагач, кайтадан кузларини юмиб, худонинг иноятини кутди.Нихоят кутилган онлар

шифохонасига ёруг юз билан кириб бориш мумкин, - деди Тамарага. – кани, бошла! Марказий шифохона дарвозасидауларни хеч ким тухтатмади. Иш осон кучётганидан мамнун булган Мадали Тамарани ховлида колдирди-да, жаррохлик булимигакириб борди. Эшик олдида йигирма ёшлар атрофидаги бир киз кроссворд ечиб утирарди. Каршисида бегона йигит пайдо булганини куриб дарров урнида турди. - Сизга ким керак эди? – суради у мулойимлик билан. - Менсанэпидстанция келдим, - деди Мадали жиддий охангда. –хоналарни куздан кечиришим лозим. - Хозир врачимиз операцияда эди. Бироз… - Кутишгавакт йук. Кани, узингиз бошлай колинг! Хоналарни текширмасак булмайди. - Хуп булади, -киз уни йулак охирига бошлади. – нариги тарафдан бошлай колинг унда! - Маъкул! Палаталарни айланиб чикиш куп вактни олмади.Хаммаси жойида эди. Тоза, саранжом-саришта. Беморларнинг каравотларидаги чойшабларгача янгиланган. Хар бир деразa токчаларига тувакларда гуллар куйиб чикилаган. - Хоналарнинг бори шу холосми? – суради Мадали негадир ишонкирамай. - Х-ха. Бор-йуги шу. - Балки, ертулада… - ертулага кириш такикланган, -нихоят кизнинг ранги узгариб тескари каради. -Нега такикланган? Бирор сири борми7 -Й-йук. Шунчаки… бош врачимиз уерга хеч кимни куймайди. Сабаби, у ерда… - Бас килинг! – кизга тусатдан дук урди Мадали. – агар хозирок мени у ерга бошлабборmасангиз, акт тузаман-у, кетавераман. - Тузсангиз, тузаверинг! – деди негадир катъийлик билан киз. - Шунаками?Яхши, сиз менга йулни курсатинг! Узим бораман, уша ерга. - Илтимос, меникийнаманг. Кейин узингиз афсусланасиз. - Курстинг дедим! - Ана, хов анови, зинадан пастга тушсангиз, ертула уша ёкда!- Рахмат! Мадали егнидаги ок халатни шахд билан ечди-да, киз курсатга томонга йул олди. Ертулага йулак охиридаги зинапоядан тушуларди. Мадали эшикни очди. Олдинда яна бир эшикка рубару булди. Итариб курди. Аммо эшик кулф эди. Таккилата бошлади. Хеч кандай жавоб булмади. Оёги билан тепиб курди. Шу пайт эшик ортидан эркак кишининг овози эшитилди: -Ким у? – М-мен, -дея тутила-тутила жавоб килди Мадали. – СЕСдан келгандим. - Келган булсанг, нима килай? Бу ерга кириш мумкин эмас. Бу жавоб Мадалини шубхасини янада ошириб,эшикни каттикрок тепди.- Оч, мен киришим керак! Рухсатномам бор. - Рухсатномангни бир жойинга тикиб ол! - Хаддингдан ошма! Кимсан узинг? Намунча катта кетмасанг? - Онангни… - эркак зарда билан эшик кулфини очти. Мадали каршисида пайдо булган барваста йигитни куриб секин ортга тисланди. Чунки, унинг елкасида жанговар автомат осигликтурар, камарига милиция ходимлари олиб юрадиганкишанларнинг бир нечтаси осиб куйилганди.- Ким катта кетди? – дагдага билан сурaди йигит. - Кечирасан-у, аммомен кирмасам булмайди, - деди Мадали бош кашиб. – мен хам буйрукни бажаряпман. - Ёлгон гапирма! Хуш, кимдаишинг бор узи? - Иложи булса, бош врачни курсам диёвдим. - Бош врач хозироперацияда. - К-канака операция?Шу ерда-я? - Вей, буёкка кир сен! Кунингни курсатиб куяман! Йигит кутилмаганхаракат билан Мадалини тортиб ичкарига олиб кирди ва эшикни кайтадан кулфлади. Лекин кутилмаган зарбагаучраб полга кулади. - Кани,энди сен ростини айт! – йигитнинг буйниданмахкам бугди Мадали. –кимлар бор бу ерда? Канака операция амалга оширилади?

Буйнимни куйвор. Чамаси, жон ширинлик килди. Йигит Мадалининг кулларини буйнидан олиб ташлаб, урнидан турди-да, йутала-йутала ичкарига ишора килди. - анови ёкда катта зал бор. - Канака зал? Кимлар ётибди? - Беморлар. Йук, донорлар. - Донор? Канакадонор? Афсуски, бусаволига Мадали жавоб олишга улгурмади. Ун метрча нарида яна бир темир эшик бор экан. Ушаэшик очилиб, икки ёнида курол тутган икки йигит билан новча, кориндор, кузойнакли кишичикиб келди. У Мадали кидираётган бош врачнингузгинаси эди. – Ким бу нусха? – курикчига ушкирди у. – нега киритдинг? - У мени… Йигит ортик суз дея олмади. - Латта! – сукинди врач ёнидаги йигитларга куз кисиб. –ушланглар уни! - Йигитлар шошилинч куролларини уклаб Мадалига укталишди. -

Кимирлама! Кимирласанг, итдай улиб кетасан! На илож! Бундай вазиятлардакаршилик курсатиш ахмокликдан бошка хеч нарса эмас. Акс холда улиб кетади одам.Хамон бу ертулада кандай жиноятлар содир этилаётгани билан кизикиб колган Мадали иккикулини итоаткорона кутариб вактинча булса-да, ён берди. Йигитлар унинг кулларига кишан солиб ичкарига судрашди.Мадали олиб кирилган хонада йигирмага якин турли ёшдаги йигитлар утирарди. У аввалига тушунмади. Хеч кимнинг кулида кишан йук. Колаверса, йигитлар озиб-тузиб кетган, бир-бирлари билан гаплашишмас, факат сукут саклашарди. Мадали сокчилар эшикни ташкарисидан кулфлаб чикиб кетишгач, ок-сарик, кузлари ичига ботганича тирнокларини ковлаб утирган йигитга якин борди. - Бу ерда нима килиб утирипсизлар? – суради уовозини хийла пасайтириб. Йигит Мадалигабир украйди-ю, индамади. - Сендан сурайпман! – давом этди у. – нега бу ерда утирипсанлар? - Сизга нима? – деди нихоят йигит бошини кутриб. –терговчимисиз? -Балки терговчидирман. Гапир! - Хов анови тешикдан карабтурсангиз, узингиз билиб оласиз. Боягина шу ердагилардан бирини олиб чикиб кетишган. - Шунаками? Яхши, кани, караб курайлик-чи! Мадали эшикка якин борди. Эшик четида бир куз билан карса буладиган кичик бир тешик мавжуд эди. Ана, прожекторлар ёнди. Ок халат кийган уч чогли одам аравачага ёткизилган йигитни келтириб каравотга олишди. Ок халатлиларнинг бири кузига жуда таниш куринарди. - Ие, бу уша врач-ку! –шивирлади Мадали. – худди узи! Нима килмокчи узи? Хой йигит, бу ерга кел! Ок сарик йигит истамайгина Мадалига якин келди. - Нима дейсиз? - Ановилар нима килишади хозир? Агар ростини айтсанг, катта пул оласан. - Пулнибошимга ураманми? –кул силтаб куйди йигит. –барибир улибкетаман-ку! - Нима? Нега улиб кетасан? Гапирсанг-чи! Намунча бушашмасанг? - Хозир уша йигитни буйракларини ажратиб олишади, - деди йигит. -Кейинчи? Кейин нима килишади? - Кейин…йигитга битта укол килишади-ю, улдириб юборишади.- Нима ? улдириб юборишади, дедингми? Ахир…буйракни-чи? Уни нима килишади? - Катта пулга сотишади. Бизниям шу максадда ушлаб келишган. - Шунаками? Оббо, ифлослар-ей! Узи ота-онанг борми йигитча?Каерликсан?Бу ердагиларнинг хаммаси етимхонада катта булишган. Ота-онамиз булса, буларни кулига тушармидик? - Кандай килиб кулгатушиб куя колдинг? - Ахлатхоналарда яшардим.Ун беш кун олдин куча юзида пиво ичиб утирсам,коп-кора машина рупарамга келиб тухтади.Ичидан турт барзанги тушди-да, гап йук, суз йук, икки кулимдан махкам ушлаб машинага ортишди. Кейин тугри шу ерга олиб келишди. «Овозчикарсанг бугиб улдирамиз» деб куркитишди. «Тушунарли, хамон операция билан машгул кимсалардан куз узмай бош кашибкуйди Мадали.Генерал шу жиноятни назарда тутган экан-да! Рост, бу ерга унча мунча одам кириб кела олмайди.Кириб келиш тугул, хеч ким билмасаям керак шундай махфий операцияхонаси борлигини. Энди нима килдим-а? манови кишанни еча олсайдим.» -Йигтча, мободо тугногичинг йукми? - Бизни олиб киришда учлинарсаларни хаммасини олиб куйишган. - Ха, майли, у холда кишан билан хам ишлайверамиз.Энди менга кулок сол. Агар айтканимни килсанг, хаммаларингни буларни чангалидан куткаришга суз бераман. - Нима килишим керак? –Мадалига тик бокди йигит. - Отинг нима? - Миша. - Адаш эканмиз. Менга кара, Миша, сени качон операцияга олиб киришмокчи? - Эртага. - Аникми? -Ха. - Ху-уш… Мадали оркага угирилиб, дарчани чамалаб курди. - Чикиб кетса буларкан. Энди бир иш килиш керак. Миша, хеч ким йуклигида операция хонасига утса буладими? - Билмадим. - Нега билмайсан? Сени улдиришмокчи-ю, индамай чайналиб утираверасанми? Бу йигитчиликка тугри келмайди.шуни аниклаб билишинг керак. - Кандай аниклайман? - Айёрлик килиш керак, айёрлик! Мана, масалан, сизларни хеч булмаса, хожатхонагачикишга куйишар? Ё рухсат беришмайдими? - Сокчилар автомат тираб олиб чикишади. - Уша сокчига пул бериб гаплашса булмайдими? - Нимани? Мадали бирпас уйланиб турди-да, давом этди. - Сен уша сокчини бу ерга олиб кирасан. У ёгини менга куйиб беравер. - Куроли бор-ку? - Ишинг булмасин! Иш пишди. Энди бу ёгига кайгуриб утирмаса хам буларди. Энг асосийси,

буердан эсон ОМОН чикиб олса, колганини каллани ишлатган холда адо этади. Аксига олгандек, хали режаларини тулик пишитмасдан туриб бош врач курикчилари билан Мадали утирган хонага кириб келди. - Кишанларни ечинглар! – буюрди курикчиларга. Йигитлар Мадалини кулларини кишандан халос килишди. - Хуш, йигит, менга якинрок келчи! – буюрди врач кузойнагини кулига олиб. Мадали секин унга якинлашди. - Менинг шифохонамга нима максадда келдинг? - Хамма нима максадда келса, шу максадда. - Жавобингни тушунмадим. Очикрок гапирсанг-чи? - Мен тана аъзоларимни пулламокчиман. - Нима? Кизик булди-ку! Сенга кимайтди бу ерда аъзоларни пулга сотиб олишади деб? - Хеч ким… узим…таваккал келавердим. - Оббо сен-ей! Хуш, нимангни канчага сотмокчисан? - Буйрагимни. Бахосини келишамиз,ахир?! Мадали шу лахзада курсда синовдан утган «компьютерни алдовга ишонтира олиш» дарсининамойиш етар, врач хам куз карашларининг узгарабошлаганига караганда, ёлгонларга ишонаётгадек эди. - Йук, сен адашдинг, йигит! – деди врач бош чайкаб. – бу ер сен излаган жой эмас. Колаверса, бизни алдайман, деб овора булма! Сенга ухшаганларнинг купини курганмиз! - Нега ишонмайсиз? Мен пулга кийналиб колган бир одамман. Хаётда сира ишим юришмади. Хаар куни егулик сотиб олишгапул топиш ташвиши билан яшайман. - Шунаками? Яхши, синаб курамиз, - врач сал ишонкираган куйи йигитлардан бирига имо килди. – кишанларни ечинглар-чи! Буйрук адо этилди. Мадалининг куллари кишандан бушади. Бирок шу ондаёк илк зарбаси туппа-тугри врачнинг башарасига бориб тегди ва у гурсуллаганича полга кулади. Шошиб колган курикчиларнинг бири автоматига ёпишган, кимдир болаларни бурчакка кисиб борган, яна кимдир чарм таёк олиб, Мадалини уриш учун ташланган. Йук, бу галл Мадали бошкачарок йул тутди. Айёрлик, турли хийлалар ишлатибётмади. Бу жиноятчиларни кайсидир маънодакуч билан енгишга карор килди. Муштлашув кучайгандан-кучайганди. Курикчиларнинг бирортаси хам куролдан ук узишгажуръат эта олишмади. Сабаби аник. Агар курол овози эшитиладиган булса, милиция бостириб келиши ва уларнинг барчауринишлари, сирлари хавога учиши мукаррар. Узининг ажойиб каратэ усулларини куллай олган Мадали куз очиб юмгунча барча душманларини ер тишлатди ва автоматлардан бирини кулига олиб ертулани тарк этди. Максади,юкорида узини интизор булиб кутаётган Тамарагакуриниш бериш-у, гуё хечгап булмагадек, ижарадаги квартирасига жунаш. Кечга бориб Мадали максадини Тамарага ошкор килди. Шундай килишга мажбур эди. Энди узи шифохонага кадам босиб бора олмайди. Хар кандай холатда хам улар таниб колишади. Шундай экан, пича айёрлик ишлатишга мажбур. - Билдасанми, - деди Тамарани уз хонасига чорлаб эшикни ичкаридан тамбаларкан, -мен аслида ички ишлар вазирлигида хизмат киламан. - Нима? – бу гапни кутмаган Тамара кузлари ола-кула булиб оркага тисланди. - Куркма. Мен шахрингга бир грух жиноятчиларни тутиш ниятида келганман. Хозир эса сенинг ёрдаминга мухтож булиб колдим. - Ёрдам? Канака ёрдам? - Шифохонага фаррош булиб ишга жойлашишингкерак. - Мен-а? ким хам мени ишга оламан, деб кузи учиб турипти? - Бу ёгини менга куйиб бер! Тегишли одамлар сени жойлаштириб куйишади. - Хуп, жойлаштиришди хам дейлик. Кайси булимга? - Жаррохлик булимига. Булим ертуласида махсус беморлар операция килинадиган жой бор. Уша ерни тозалаш билан шугулланасан. - Хуш, кейин-чи? - Кейинми? Менингкурсатмам буйича иш тутасан. Хизматинг эвазига катта пул тулайман. - Жуда хавфлиишми? - Шундай десаям булади. Лекин абжир булсанг, эплайсан. - Кани,аникрок айт-чи! Нима киламан, узи? - Биласанми, сенга хаммасини очик айта олмайман. Бунга хакким йук. Килинадиган ишинг шундан иборат буладики, шприцларга олдиндан наркоз тулдириб, операция столига тайёр килиб куйилади. Сен уша наркозларни аввалдан дармондори тулдирилган шприцларга алмаштириб куясан. Уёги билан ишинг булмайди. - Шу холосми? – кулди Тамара. - Факат у ердагиларга сездириб куймаслигинг лозим. Сезиб колишса, сени улдириб юборишлари хам хеч гап эмас. - Нима? .....Класс! Ярим тун эди. Нихоят даражада чарчагана Мадали килган ишидан кунгли

тулгадекбемалол каравотга чузилиб кузларини юмганча уй сурарди. Шу махал квартира эшиги безовта таккилаб ичкарига кимдир киргандек туюлди. - Ким булди яримкечада бу ерга келган? – Мадали сукинганича урнидан туриб кийимларини кийди ва эшикёнига бориб кулок тутди. У ётган хона томонкимдир юриб келди ва эшикни таккилатди. - Очинг, бу менман! - Нима? Мадали таниш овозни эшитиб кузлари чакнаб кетди. - Ахир, Оля-ку! Бу ердалигимни каердан билди? У шошиб эшикни очти. Хакикатдан каршисида жилмайганча Оля турарди. - Кочкок! – эркалик билан аразлаган булди киз. – шунакаям буладими одам? - Сен? Мени кандай топдинг? –сyради Мадали кизни багрига босиб. – хечкимгаайтмагандим-ку! - Мен сени топишни истадим. Мана, куриб турганингдек,топдим хам. Миша, юр, кетамиз! Мен шу якин атрофдан квартирани ижарага олдим. Узимиздан булак хеч ким йук. Юра колсанг-чи, ташкарида такси кутиб турибди. - Ахир, менинг ишларим бор, Оля! – елка кисди Мадали. – узинг колавер шу ерда. - Йук, сени олиб кетмагунча тинчимайман. Учинчи маротаба йукотишни истамайман. - Оббо, кайсарсан-да! Бупти, хозир нарсаларимни олволай. Мадали шоша-пиша кулига сумкасини олди-да, бир бурчакда хайрон тикилиб турган Тамарага маъноли куз кисиб, унинг кулига бир даста пул тутказди. -Бу хозирча! Колганини кейин гаплашаверамиз! Мени кут, эртага, албатта, ишни бошлаймиз. Улар олдинма-кетин ташкарига чикишди. Оля тугри айтибди. Ташкарида «Волга» турар, хайдовчи сигарет тутганича уларни кутарди. Машина ун дакикалар ичида Олянинг ижарага олган уй рупарасига келиб тухтади.Киз куярда-куймай, хайдовчига узи пул тулади ва Мадалини махкам кучиб юкорига етаклади. Квартира кампирларникидан анча фарк киларди. Хоналар дид билан безатилган, телвизор, магнитафон,хатто, чет эл музлатгичихам квартирага узгача курк багишлаб турарди. Мадали Оля ечиниш учун ваннахонага кириб кетганидан фойдаланиб ошхона ва балконни куздан кечиришга улгурди. НихоятОля чикиб, унинг буйнига осилди. Негадир кузлари намли эди.

Сенга нима булди? – хавотир аралаш сyради Мадали кизнинг иягидан тутиб. – бирортаси хафа килдими? - Мени кечир! – беихтиёр ерга бокди Оля. – сенинг олдингда гунохкорман! - Нега? Нима учун гунохкор буласан? - Хозир бир манзарага кузинг тушса,аник биламанки, мени кечирмайсан! - Нима? Канака манзара? Очикрок гапирсанг-чи? - Хуп, тескари угирил! Факат менданхафа булиб юрма. Бу ишда менинг айбим йук! Мадали тескари угирилди. Оля эса залга кириб кетди-ю, жим булиб колди. Кейинрок нималардир деб шивирлагани кулогига чалинди. Залга таваккал кириб бормокчиям булди. Негадир юраги бетламади.Охири кутишга кизикди. Орадан беш дакилар утгач, Оля ошхонага кайтиб чикди. Мадали сездики, ёнида бошка кадам эгаси хам бор. Шуни аник пайкаб турса-да, кизни ранжитиб куймаслик учун атайин ортга угирилмади. – Эндимен томонга угирил! – пичирлади Оля. Мадали буйрукка буйсунган холдашартта оркасига угирилди-ю, тош котиб колди. Кузларини кайта-кайта ишкалаб курди. Бошига бир неча маротабамушт хам тушириб олди. Лекин куз унгидаги манзара узгармади. Унинг каршисида муштипар онаси Мехрибон опа конийглаб турарди.Бундай лахзаларда одам боласининг хаёлидан нималар утмайди, дейсиз! Гуёки истимаси кутарилиббехаловат була бошлаган гудак ахволига тушиб колган Мадали бошини эгганича жим турар, юраги эса потирлаб, аъзойи баданини жунбушга келтира бошлаганди. Нихоят Мехрибон опанинг узи жимликни бузди.

- Боламни топиб бер, жувонмарг! –хириллай-хириллай суз бошлади она. Оля, гарчи узбекчани тушунмасада, кандайдир ёмон сузлар айтилаётганига акли етиб, аста ортга тисладива дераза каршисига туриб олди. - Кани менингМадалим? – беихтиёр углининг ёкасидан олди Мехрибон опа. – болажонимни сен улдирга экансан! Топиб бер! Йукса,сен котилни тирик куймайман. Топиб бер, дедим! - Болангизни мен улдирганим йук, -онанинг фарёдига дош бера олмаган Мадали охири тилга кирди. – Ишонинг, мен улдирмаганман уни! Углингиз…мен учун улмаган! - Каниунда болам? Кани? Нега сен жувонмарг ер юзида

юрибсан-у, у гурда ётибди? Хозир…хозир сени милисага…Ха, мелисага топшираман. Менинг Мадалимни топиб бермагунинча камокда чиритаман сени. Ха-а, мени ким деб уйловдинг? Отаси бечора шу боламни куйигида улиб кетди. Энди менинг йукотадиган нарсам колмади. Хозир… Мехрибон опа уйичини айланиб телефон кидира бошлади. Яхшики, Оля телефонни шкаф ичига беркитиб куйган экан. Онауйни айлана-айлана телефон топа олмагач, тусатдан йулакка чикиб полга утириб олди-да, телбаларча сузлана бошлади: - Ха-а, менинг Мадалимни мана шу уй ичига яшириб кйишган! Э,чикади-да! Чикмай каерга борарди? Аясининг йиглаганини эшитаверса,охири чидолмай узи чикади! Бола-а-м, эшитяпсанми мен келдим! Сени ёмон одамлар камаб куйишдими? Менга болангулди, деб ёлгаон гапиришдими? Бекорчиларни бештасини айтади ушалар! Хаммасини гурига ут куяман. Сени хеч кими йук, ёлгиз деб уйлашган-да! Аянг дунёларига ут куяди, ха! Нега чикмайсан? Уришади, деб куркяпсанми? Уришмайман, болажоним! Чика колсанг-чи энди.Согиниб кетдим сени. Бу фарёдни эшитса, тош хам ёриларди. Мадалининг токати ток булди. Отасидан айирган, мехрибон онасининг шу куйларга солганларнинг барчасига лаънатлар укиди. Кани, хозир секин бориб, мен –углингизман, деса-ю, онаси ишонса! Афсуски, ишонмайди. Ишонтира олмайди. Нима килсин? Нима килса, кутулади? Ха, кочади. Кочмаса булмайди. Фарзанд куйигида адойи тамом була ёзган она хозир Мадалини истаган куйига солиши мукаррар. -Оля, -дея бир бурчакка кисиниб олганича куз ёш килаётган кизга шивирлади Мадали. – мени эшитяпсанми? - Эшитмай гур булармидим? Нима дейсан? Бу айёл нима деб каргади, сени? - Бунинг ахамияти йук хозир. Юр, кочиб чикиб кетамиз. Акс холда буаёл каматиб юборади. Тезрок бул! - У-чи? Уни нима киламиз? - Хозирча утира турсин. Сал узига келса, йул топиб чикиб кетар. - Янамахкам ёпишиб колса-чи?- Сен мени олдимни тусиб турасан. Биринчи булиб мен чикиб кетаман.Сунграсен. - Хуп. Мадали кузларидаги ёшни артиб Мехрибонопанинг ёнидан утиб охиста кета бошлади. Она сузланиш, йиглаш билан андармон булдими, уларга эътибор килмади. Бу вазиятдан фойдаланган Мадали куз ёшларини яширганича шоша-пиша ташкарига узини урди. Бу аёлни каердан топдинг? – катта йулга чикиб олишгач, Оляни сурокка тутди у. – ахир… - Уни мен топганим йук, Миша! –деди Оля. – Валералар топишган. - К-кандай килиб топишади? Тушунмадим. - Нега тушунмайсан? Улargенерал оркали хаммасини аниклашган. Вашу йул билан сени синдиришга ахд килишган. Менинг нима алокам бор экан бу аёлга?–ёлгондан булса-да, Олядансуз олишга уринарди Мадали. - Айтишдики, шу аёлнинг боласи улганида сен хам дафн маросимига боган экансан. Ушанда аёл сенгаёпишиб олиб роса йиглаган эмиш. Улар аёлнинг ёнига боришганида, Уша куни сиз ёпишиб олиб йиглаган йигит болангизни котили, дейишган. - Хаммаси тушунарли, - деди Мадали муштларини тугиб. – демак уларнинг генерал билан тили бир. Афсус, узининг топшириги билан улар ётган арии уясини тузгитиб куйибман. Энди эса узимга карши иш бошлашибди.Их! Шу тобда чап куксининг пасти яна санчий бошлади. - Нима булдисенга? – Оля уни бир четга тортиб елкасини силади. –каеринг огрияпти? - Чап куксим хар замонда огриб колади.Хавотир олма, утиб кетади. Юр, Тамараникига борайлик энди. Ишни охирига етказмасак булмайди. - Узинг юра оласанми? Ё такси тухтайми? - Майли, тухтатакол! Боргандан кейин дори-пори ичиб оларман. Оля Мадалини дарахтлардан бирининг остига колдириб, узи такси тухтата бошлади. Бир махал узокдан келаётган «Волга» га кузитушиб, астойдил кул силтади. Бирок машина секинлаш урнига янада тезликни оширди. Оля йулнинг уртарогига бир-икки кадам ташлади.Машина эса якинлашиб келгач, тугри Мадали турган дарахт томон бурилди. Куркиб кетган Оля жон холатда ортга кайтди-да, Мадалининг енгидан торткилаб нари судрай бошлади. Бу вокеа куз очиб юмганчалик вакторасида содир булди. Машинадарахтга келиб урилди ва такка тухтади.Ичидан турт нафар барзанги кулларида автомат билантушиб югурганича кетиб бораётган Мадали ва Оляни кувлай кетди. - Менга кара, - деди Мадалийул-йулакай оркасига караб куйиб. – сен боравер! Булар барибир

етиб олишади. Етолмаган такдирда хамкулларида курол бор экан. Кандайдирбезорилар булса керак. Мен узим гаплашаман, булар билан! Тузрок югур! Оля истар-истамас, йулида давоми этди. Мадали такка тухтаб барзангиларни кута бошлади. - Кани, буёкка юр, итдан таркаган! –хаммалари Мадалига ёпишиб машина томон судрай бошлашди. –машинани един-ку, ифлос! Пулини ким тулайди энди? Буёкка юр! Улар Мадалини машина рупарасига олиб келишди-да, ерга босиб буйнига автомат тирашди. Хуш, ким тулайди пулини? –сурадиулардан бири. – гапир, йукса итдайотиб ташлайман. - Канака пул? – каршилик курсатиш бефойдалигига акли етган Мадали хотиржамлик билан саволташлади. - Машинани куряпсанми? Дабдаласи чикди! Гапир! - Мен тулайман! – деди Мадали таваккал. Нияти буларнингкулидан тезрокхалос булиш-у, квартирага бориб дори ичиш эди. -Мен тулайман! – такрорлади у.–булдими? - Мана бу бошка гап, -бараварига кулишди барзангилар. – биламиз, пулинг куп! Кани, урнингдан тур энди.Мадали секин урнидан туриб уст-бошини коккан булди. - Кулогим сизларда! Факат…манови уйинчокларингни олиб куйинглар! Мен бунака нарсалардан куркадиган ёшдан аллакачон утганман. - Шунаками? – лаби учиброк турадиган йигит шерикларига автоматларни пастга тушириш ишорасини килди. – Хуш,качон олиб келасан пулларни. Нима билан? Нима?!– Мадали хушёр тортиб Оляга якинлашди. Аммо киз узини тобора четга оларди. Билмайсанми? У энг мудхиш кассалик хисобланади. СПИДга дучор булганлар факат улим топишади. - Хуш, бубилан нима демокчисан? Оля кузлари ёшланиб Мадалига тик бокди. - Сенменгаям юктирдинг касалингни, билдингми? Ахмок булмасам, сенинг кучогинга кирармидим? Энди килар ишни килиб куйиб, яна мени судрамокчимисан? Кандайжон беришимни томоша килмокчимисан? Биласанми, сен кимсан? Сен жохил одамсан! Мадали шу ерда барибир кишлокда тугилиб усканига борди. Умри бинобулиб бундай касалликни эшитмаган эди. Олянинг гапларини тинглаб тури бич-ичидан музлаб кетди.Кизнинг гапларига чипа-чин ишонди. Ишонгани учун хам шу лахзаларда узини узи хаёлан каргай бошлади. Ха, йигит бу шунчаки узини четга олиш, шунчаки алдов эканлигини англаб етмаганди. Шу касалликкаузи учрагани етмай, бегунох бир кизни хам расво килибкуйганидан афсусда эди. - Мени кечир, Оля! – шивирлаб сумкасиникулига олди у. – энди бир умр узимни узим каргаб утаман. Шу ишим учун узимни хеч качон кечира олмайман ишон! - Тухта! – дея олдинга юрди Оля. - Нима дейсан? - Сувдан курук чикиб кетаман, деб уйлаган булсанг, хато киласан! - Нима килай? Айт унда! -Мен огриклар азобида улиб кетишни истамайман. Сумкангдаги пулларингни менга колдириб кетасан. Мен шифокорларга учрашиб вактинча булса хам огриклардан халос булиб яшашим керак. - Шу холосми? – бу гап Мадалининг бояги фикирларини бироз узгартиргандек булди. – пул берсам тинчланасанми? - Ха. - Ма,ол! – у сумкадаги пулларни полга сунги тийинигача агдариб ташлади. – мен ахмок сенга ишониб юрибман. Пул керак, де байта колмайсанми бошида? Бундан кейин хеч кимни бемаъни ёлгонларинг билан безовта килмагин! Сенга маслахатим шу! Оляиндамади. У Мадалига эътибор килмас, полда сочилиб ётган пулларни териб олиш билан банд эди.Хаётнинг узи курсатиб куявераркан, - узига узи гапириб борарди Мадали. – аёл зотининг хаммаси бир хил, шекилли. Йук, яхшилариям бор. Факат мен улардан махрумман. Узимни-узиммахрум килганман. Бошкалардек тинчгина хизматни утаб, уйга кайтиш урнига зурларнинг зури булишни орзулаб колдим. Ташкилот эмиш! Кани уша ташкилот? Нега ортимдан пойлашмайди? Нима учун кузатишмайди?Нега куриклашмайди? Кимучун киляпман, хамма ишни? Кимларни деб хаётимни хавфга куйяпман? Ким учун юкумли касалга йуликдим? Тухта, СПИД дедими? Каерда ортирдим? Врач топиб текширтирмасам булмайдиганга ухшайди. Хеч булмаса качон улишимни билган булардим. Майли, энди буёгига кандай йул тутиш тадоригини куришим лозим.Худо курсатмасин…Шу пайт карама-карши тарафдан келаётган милиция машинасига кузи тушди. - Тамом! – уйлади узини дарахтлар панасига оларкан. - Оркамдан тушишганга ухшайди. Агар кулга олишса, улдириб юборишлари аник.

Умуман…качон ва каерда улишимнинг ахамияти хам йук. Аммо кулга тушиб камерада улиб кетиш алам киладибарибир. Шунинг учун кочишим керак. Факат кочишим керак. Хали олдинда анови шифокорлар масаласи турибди. Йигитман, ахир!Бир ишни бошлагандан кейин охирига етказмаслик яхши эмас. Мадали машина рупарасига келадиган пайтни кутди. Якинлашгани хамон дуч келган тарафга караб чопди. Машинадагилар пайкашди, чоги, рулни оркага буришди. У шу куйи узок вакт чопиб борди. Сунгра эхтиёткорлик билан ортига угирилди. Кизик, машина куринмасди. Каерга гойиб булди? Ёбошка йулдан айланиб келиб олдини тусиб чикишмокчими? - Йук, - деди Мадали чукур-чукур нафас олиб сал узига келгач. – кулга тушадиганахмок йук. Бекорга бир йил ит курмаган кунларнибошимдан кечириб укимадим. Сен итларга кулга тушсам, узимни узим бугиб улдираман! У атрофни куздан кечирди. Шахардан анча узоклашибколибди. Икки тарафда хам урмон бошланган. Мадали урмонда тунашга карор килиб, йулни унга бурди. Коронги тун. Корни очиб кетган Мадали калинурмон оралаб узига егуликкидирарди. Лекин урмондаунга ким хам овкат тайёрлаб куярди? Коронгида ов килиш бефойда. Йул-йулакай ернитимирскилаб, курт-кумурскаларнитопиб огзига солди. Курибсизки, бир чакирим юрмай корни туйиб анча тетиклашди. Энди ухлашга жой кидиришданбулак чора колмади. - Яхшики, курсда шу сассик куртларни ейишга урганган эканман, - шивирлаб борарди Мадали. – йукса, бугун очдан улишим хам хеч гапэмасди. Чамаси турт чакиримча юргач, урмон янада куюклашиб, кутилмаганда кичик бир уйчанинг рупарасидан чикиб колди. - Мана буни омад деса булади! –мамнун керишди Мадали юришдан тухтаб.– барибир омадим бор. Нолишим гунох. Хаммаям сувдан курук чикиб кета олмайди. Кани, менданбошкасиям турт эмас, биркишини улдириб кочиб курсин-чи! Кочиб бупти! Уша захотиёк узини сассик камерада куради. Мадали секин уйчага якинборди. Ёпик эшикка каттатош тираб куйилган экан.Уни тепиб юбориб ичкарига кирди. Аксига олиб ёнида гугурт хам йук эди. Ичкари эса зимистон. Курлар каби кулларини олдинга чузиб нималар борлигини аникламокчи булди. Уйчанинг унг бикинида яна бир тешик бор экан. Унга хам тош тираб куйилган. Тошни олиб ташлаб, эшикни очди. Оёклари билан эхтиёт шарт ерни тепиб курди. Кандайдир тахтага оёги урилиб энгашди-да, тахтани кутарди. - Ё, алхазар! – Мадали ертулага дуч келганини инкор эта олмас, бунинг устига патда шам ёниб туриши уни тобора кизиктириб куйганди. – нима бор экан бу ерда? – тахтадан ясалган зиналарга оёк куйиб пастга туша бошлади у. –одам йуклиги куринибтурипти. Хеч канаканги товуш эшитилмаяпти. Демак, кимнингдир хазинасиям булиши мумкин. Ха, майли, яна омадим келганга ухшайди! Кошки, бирдан катта бойлик топсам-у, хаммаси узгариб кетса. Бирок пастга тушгани сайин димогига ёкимсиз хид урила борди.

Енги билан бурнини беркитганича нихоят пастга тушди ва шамни кулига олиб олдинга юрди. Не куз билан курсинки, ертулада жасадлар калашиб ётар, хаммаси ун-ун икки яшар болаларга тегишли булиб, бировининг корни, бошкасининг бел кисми ёриб ташланган, барчалари кора елим копларга жойланган эди.Гарчи ушбу манзара дахшатли булса-да, Мадали узини босиб уликларни бирма-бир куздан кечириб чикди. Уттиз иккита экан.Аксариятининг бел кисми ёрилган. Жони халкумига келиб беш-ун сония ертула бурчагида утириб колди. - Нима узи бу? – бош котирарди у уликларга шам ёругида ачиниш билан термулиб. –кимларнинг иши узи? Кайси вахший бу бугунох болаларни улдирди? Шу пайт бурчак-бурчакдан кандайдир номаълум овозлар кулогига чалина бошлади. Гох чигиртка чириллаб куяр, гох итнинг ув тортиши эштиларди. - Уликларнинг арвохлари, -овоз чикариб деди Мадали. –шурликлар чириллаб колищди. Кабрга куймагунларича тинчишмайди. Бир пайтлар дадам айтарди. Тухта, боя аям дадамни улиб кетди, деб айтими? Нега улади? Эх, нималар деяпман узим? Ёлгиз боласи улса, кайси ота-она чидай оларди? Йук, хали бу кунларим учун душманларим жавоб беришади. Ота-онамнинг хар бир курган ёмон куни учун жавоб беришади. Мадали бирдан урнидан турди-

да, кайтадан уликларни оралаб сабаб кидира бошлади. - Э-э-э,- деб юборди бирмахал. – бу – врачнинг иши! Болаларнинг буйракларини сугуриболган-у, уликларни мана шу ерга олиб келиб ташлаган. Ярамаслар! Одам хам шунчалик вахший буладими? Бу болаларда нима гунох? Эндигина хаётни бошлаган эдилар-ку? Мадали, яъни, Миша, оёкка турмасанг булмайди! Врачниям, ёнидаги хамтовоклариниям сув юзига чикариш пайти етди. Майли, генерал соткин булса, узи бир кунвакти келиб жавоб бераверсин.Мен соткинлик кила олмайман. Нима булгандаям, мени бир дунё пул сарфлаб укитишди. Ичган тузумни оклашим шарт. Кул силаткетиш бизга тугри келмайди. Хозир кандай булмасин, уша шифохонани кидириб топаман ва хаммасига нукта куяман! Мадали даст урнидан туриб кулидаги шам ёрдамида юкорига кутарила бошлади. Эх, яна эсимдан чикибди! –Мадали бирдан оркага кайтиб шамни жойига куйди. – канака жосусман узи? Хали куп нарсаларни аниклаб олишим керак-ку! Хуш, нимадан бошлайман? У ичкарига кириб шамёругида хар бир мурдани синчковлик билан куздан кечира бошлади. - Мановитурттаси якиндагина келтирилган. Хали кони котиб хам улгурмабди. Мановилари олдинрок келтирилибди. Хуш, шамни куздан кечирмаиз. Шам, одатда, бир-бир ярим соат ёнади. Тугай деб колганига караганда, бир-бир яримсоатлар олдин манови турттасиникелтириб ташлашган. Энди оёк изларига назар соламиз. Из эгаси кирк иккинчи-кирк учинчи пойфзал кияди. Буниси кичикрок. Кирклар атрофида булса керак. Демак, бу ерга икки киши катнайди. Эндиги иш нечта буйрак ва нечта юрак олинганини аниклаш! Мадали бу ерда йигирма дакикалар чамаси колиб кетди. Узига керакли маълумотларнинг барчасига эга булгач, шамга куз ташлади. Тахминан ун дакикада учади. Бундан чикди, шошилиши керак. Тезда уша шифохонага етиб бориши ва кайтадан кураш бошлаши лозим. Бундай кезларда хар бир дакика ганимат. Мадали шоша-пиша урнидан турди-да, шамни жойига куйиб юкорига кутарилди.Аммо ташкарида –копкок ортида кимларнингдир гудранган овозлари кулогига чалиниб пастга сакради. - Ким булар? – кунглидан утказди девор ортига утиб. – нахотки, яна улик олиб келишган булишса? Нима килиш керак? Пастга тушмокчи, шекилли, копкокни кутаришди. Мадали югуриб уликлар ётган жойга кирди-ю, бир неча мурдани олиб уларнинг жойига ётди ва мурдаларни устига жойлаб чикди. Кимдир келганми, дейман? –номаълум кимсахурсиллаганича кириб келиб елкасидаги копни тугри Мадалининг устига иргитди. Мадали шам ёругида икки кимсанинг хам башарасини аник куриб турарди. Бири билан буйли, муйловдор, сочлари малла. Иккинчи аксинча. Корасоч, кошларихам коп-кора. Буйи пастрок булишига карамай, елкалари кенг. Сузлашига караганда, рус эмас. Кандайдир кавказликка ухшайди. - Бэ-э, бу ерга биздан булак ким хам юрак ютиб кела оларди? – деди пастбуйлиси уликларга хиссиз назар ташларкан. – кара, кай ахволда ётишибди! Келган одамнинг юраги ёрилиб, шулар каторига ётади. Булмагур гапларнигапирмай, шамни алмаштир! Учай деб копти. - Бупти, жа акиллисан-да! –муйловлиси гудраниб чунтагидан шам олди-да, ёкиб, тугаб колаёзганини учирди. –энди кетсак хамбулади. Бу ердаги хид эрталабгача кунглимни агдариб чикади хали. - Качон трактор олиб келиб, кумиб юборишаркан? – суради шериги. - Билмадим. Хозиргиси охирги экани аник. Чунки, шеф чет элгакочмокчи. Кимдир хидланиб колганмиш.! - Йуг-э? - Шунака дейишяпти. Э-э-э,бизга нима? Куругини оламиз-у,хеч гап булмагандай юраверамиз. Менга деса, ер ютиб кетмайдими уларни! - Гапинг тугри, - деди паст буйли. – буларни биз улдирмадик. Кани, кетдик, сасиб кетяпти! Улар олдинма-кетин зинапоялардан юкорига кутарила бошлашди. Копкокнинг ёпилган товуши эшитилгандан кейингина Мадали уликларни суриб урнидан турди.Шошилмасам булмайди, -тушкарига чикиб олгач, Мадали катта йул томон чопиш асносида сузланиб борарди. –калавани учи топилгандек. Энди бемалол шифохонага бориб котилларни кулга олиш мумкин. Буйниларига олмай каергаборишарди? Врачнинг узини бугиб мана шу урмонга олиб келиш керак. Мархум болакайларнинг каршисида катл килинса хам кам. У кокина-кокина булса-да, катта кучага чикди. Аммо йул бум-буш,бирор машина утай демасди. Шунда хам кутишга карор килди.

Чунки, бу йул шахарга олиб борадига ягона занжир. Барибир кимдир утиши шарт. Шундай булди хам. Орадан ун дакикача утиб, узокдан машиначироклари кузга ташланди. Ярим кечаси, устига-устак калин урмонoркали утган бу йулда аклли хайдовчи хеч качонйуловчининг кул кутарганига эътибор бериб утирмайди. Билади.Айни шу ерларда тез-тез котилликлар содир этиб турилади. Улганларнинг аксарияти машина хайдовчилари! Мадали шуни хиссобга олиб йул уртасига чикди-ю, котиб тураверди. Агар хайдовчибирор боскинчи тудага тегишли булмаса, албатта, тухтайди. Тухтамаса, пешана-да! Машина мадалига икки метр колганида каттик томоз бериб тухтади. Шу захотиёк хуппа семиз, ёши олтмишларга бориб колган хайдовчи шошиб машинадан тушди-да, хамон бир жойда котиб турган Мадалига бакира кетди. - Хой, ичиб олганмисан? Ё жонингдан туйганмисан а? аклинг жойидами? Коч йулдан! Афсуски, бу карияни узи билан бирга олиб кета олмасди. Хозирга замондабегоналарга ишониб булмайди. Мадали кариянинг буйнидан махкам бугиб томогидан буйни аралаш кучсиз зарба берди. Ёши утиб колган одам учун шунинг узи кифоя эди. Хайдовчи бир-икки хиррилагач, хушидан кетди. Мадали эса тез рулга утириб газни босди. Яхшики, шифохона жойлашган манзил ёдида колган экан. Шахар кучаларини бир-икки такрор айланса-да, хар калай асосий кучани топиб олди. Шифохонадигилар одатгакура ухламаган. Ичкаридаги чироклар ёник. Йулакларда хамшира, шифокорлар у ёкдан-бу ёкка юрибхизмат вазифаларини адо этиш билан банд. Мадали машинани дарвозаолдида колдириб, коровулларнинг назарига тушмаслик учун деворданошиб утди ва ичкарига кирди. Ана, уша таниш зинапоя. Пича пастга тушилса, ертула, яъни, жаррох бемалол уз ёвуз ниятларини амалга оширадиган ер. Бахтига хамшира каергадир кирибкетган, шекилли, йулак уртасидаги стол бум-бушэди. У чопканича зиналардан тушиб ертулаэшигига якин борди. Кизик. Эшиклар ланг очик.Ташкаридагиси хам, ичкаридаги эши хам… Хоналар хамхувиллаб колган. На операция столлари, на стол-стуллар, на курикчилар. - Булиши мумкин эмас! – дея хайкирди Мадали. – бир кунда шунча узгариш! Канисан,котил? Каердасан? Кимсасиз жойда ким хам овоз берарди? - Юкоридагилар овозимни эшитишди, - уйлади Мадали. – лекин атайин тушиб келишмайди.Хаммаси хабардор бу ишлардан. Врач ва унинг хамтовоклариниям каёккагойиб булишканини яхши билишади. Аммо айтишмайди. куркишади. Мадали югурганича ташкарига чикди. Йулакда икки хамшира кетиб борар, нималардиртугрисида куйиниб сухбатлашишарди. Ушаларни кулгаолиб, сурок килмокчи булди. Уйлабколди. Йук, бундай килиш хавфни кучайтиради. Ахир, у майда-чуйда жиноятчининг кетидан тушкани йук. Котилликнинг тепасида турганлар мафияга тегишли экани аник. Балки, занжирнинг бир учи Валераларга келиб богланар?!

Мана шунисини тухтатиш шарт! – деди Мадали аста тракторга якинлашиб келаркан. – куроли булиши аник. Бирок мен хам анойиэмасман. У тракторчинингорка тарафидан келиб кутилмаганда томогига чанг солди. Бир дакикачачамаси ушлаб тургач, тракторчи шилк этиб ёнбошига йикилди. У улмаганди. Мадали эркакни улишига ёрдам бериш ниятида уйку томирини каттик кисиб турди. Одам хушидан кетган булса-да, жони чикаётганида барибир кимирлаб, типирчилаб юбораркан. Эндиги навбат икки курикчи йигитга етганди. - Уларни ертулада улдирмайман, - уйлади Мадали. – мана шуерга чикишларини кутаман. Колаверса, бу ярамаслар врачнинг каергагойиб булганини яхши билишади чамамда. Мадали тракторни ертулага анча якин олибборий чирокларини атайин учириб куйди. Шундай килса, коронгиликда эркаклар уни пайкамай колишлари мумкин. - Вей, бошламайсанми? –хиррилаб кичкирди эркаклардан бири ертуладан бошини чикариб. – биз чикиб булдик хиссоби. Бошлайвер!Мадали индамай утираверди. Токати ток булган эркаклар илдам кадамларбилан трактор каршисигакелишди ва улардан бириайни Мадали утирган кабина зинасига оёк куйиб юкорига кутарилди.- Нима бало, улиб-нетиб колдингми?Шу пайт кучли куллар уни торткилаб юкорига олиб чикди. Бу

лахзаларда шериги ертула ёнида туриб болаларни пойлаш билан банд эди. - Овоз чикарсанг, уласан! –шивирлади Мадали эркакнинг иягидан махкамтутиб. –шерикларинг каерда? Тез айт! Булмаса,улигингни мана шу ертулада колдириб кетман! Тез бул! - Ш-шерикларим йук менинг! – хиррилади эркак. - Кимга хизмат киласанлар? - Б-билмадим. Хужайинни танимаймиз. Бизни икки йигит ёллаган. - Каерда уша йигитлар? - Билмайман. Пулни тулашди-ю, жунаб кетишди. - Сенлар буйрукнибажармай кочиб колишларингдан куркишмадими?Йук. Катта йулда уларнинг одамлари кутиб туришипти. Иш битгадан кейин узлари келиб текшириб куришади. - Шунаками? Унда куролни бу ёкка бер! Мадали автоматни тортиб олди-да, деди: -агар яшашни истасаларинг, иккаланг хам бориб ушаларга иш битди, деб айтасан! Лекин уларга кушилиб бу ёкка келишнихаёлингаям келтирма! Узларинга ёмон булади. Кани, туш пастга! Эркак тушди. Мадали хам бир сакраб пастга тушди-да, эркакни елкасига автоматтираб буюрди: - Шеригингниям ол-да, бу ердан жуна! Куз очиб юмгунча икки эркак урмонни тарк этди. Энди асосий одамларни кутиб олиш пайти етган эди. Улар келишларини Мадали биларди. Хар холда бу икки эркак етаклаб олиб келишга мажбур. Узок куттиришмади. Болаларни олиб келган эркакларнинг машинаси урмондан чикиб кетгач, хеч канча утмай, бошка машина ертулага якинлашиб кела бошлади.Мадали дарахтлар панасига утиб уларнинг тухташини кутди. Нихоятмашина трактор каршисига келиб такка тухтади. Машинада икки йигит утирарди. - Вой ифлослар-ей, алдашибди! – кичкирди улардан бири. –кара, кумишмабди. - Тракторчи кани узи? – шериги секинмашинадан тушиб трактор кабинасига кутаирлди. – кара, улдириб кетишибди уни! Шу тобда Мадали охиста дарахтлар панасидан чикди-да, оёк учида юрибборииб йигитлардан бирининг буйнига автоматтиради. – Кимирлама! Кимирласанг, уласан! Кани, иккаланг хам пастгатуш! Секин! Секин! Йигитлар икки кулини баланд кутарган куйи пастга тушишди. - Врач кани? – суради Мадали. - Канака врач? Биз танимаймиз! - Шунаками? Унда нариги дунёда, албатта, танишиб оласанлар! Учгача санайман! Айтмасанг, узингдан кур! - У аерапортда! – деди буйнига автомат тиралгани. – бир соат кейин самалёт Америкага учади. - Шунака дегин? Буларни тирик холда колдириб кетиш ахмоклик буларди. Шу сабабли Мадали кетма-кетига тепкини босишга мажбур булди. Икки йигитхам тинчиб колгач, машинага утирди-ю, аерапорт томон йул олди. Машина икки ён багри калин урмон билан копланган йул буйлаб елдек учиб борарди. Мадалининг чап куксида яна огрик туриб афтини бужмайтирганича газни каттикрок босди. Бирок огрик энди факат куксидагина эмас, оёклари, бели, бошигача ёйила бошлаганди. Буни устига ичи худди оловдек куйиб, сув ичгиси келарди. - Улимимякин куринади, - деди балан овозда огрикка чидай олмаётган Мадали. – Олянинг гаплари тугрига ухшаб колди. Огир касалга чалинмасам, бундай огриклар булмасди. Демак,улимим якин. Шу пайт чирок ёругида ерга узала тушибётган одамга кузи тушиб тезликни камайтирди. Ётган аёл киши эди. Мадали машинани бирдан тухтатиб пастга тушди-да, аёлни агдариб курди. - Йу-у-ук! Не куз билан курсинки, бу аёл унинг онасиэди.унинг кузлари очик, танаси аллакчон совиб улгурганди. Йу-ук! –урмонни бошига кутариб бакирдиМадали. – Аяжо-он! Нима килиб куйдингиз? Ким сизни бу куйга солди, ким? У жасадни махкам багрига босканича укириб-укириб йиглар, хайкиригидан безовталаган дарахтдаги кушлар потирлаб осмонга кутарила бошлаганди. Мен уша аблахларни топмастан куймайман! - дея жасадни машинага орта бошлади Мадали аламдан тишларини гижирлатиб. –сизни ким улдирган булса, узиниям кийма-кийма килиб ташлайман! Ана ундан кейинсизнинг олдингизга бораман!...онажон! сабрингиз чидамай, шу ерда кутиб ётканмидингиз? Безовта булиб нима килардингиз? Шошилмасангиз хам узим топиб борардим-ку, сизни!Яхшиси, шу ерга беркитиб кетаман,сизни! Кайтаётганимда олиб кетаман. Биз иккаламиз кишлогимизга – дадамнинг ёнига борамиз! Хаммамиз бирга буламиз, хупми?! Мадали телбаларча гапириб мурдани кайтадан машинадан туширди-ю, бир дарахт панасига ёткизиб узи ортга кайтди.
- Йук, хозирок уша канжикни топаман! Менга касал юктирдими, мен билан бирга кетади!

Шахарга жуда киска вакт ичида етиб борган Мадалирулни таниш уй томон бурди. - Ало, милиция! Урмон ичидаги бир ертулада бегунох болаларкамаб куйилган, - Мадали манзилни тушунтирар экан, огрик хамон уз ишини килар, унинг кадди сезиларли даражада букчайиб, зурга нафас оларди. – мени танимайсиз, танишингиз шарт хам эмас! Автоматдан кунгирок киляпман. Яна бир гап: ушаертуладан йул буйлаб уч чакиримча юрсангиз, дарахт чекаасида аёлнингмурдасига дуч келасиз. Илтимос, колиб кетмасин,у киши менинг онам булади. Уша атрофда мусулмон одамлар борми?...ушаларга айтсангиз, тушунишади…мен ишимнибитиргач, кайтиб келаман…Шундан кейин Мадали Тамаранингквартирасига етиб келиб,унинг эшигини таккилатабошлади. - Ким у? – ичкаридан кампирнинг овози эшитилди. Мадали индамади. Огрик зуридан бир-икки ихлаб куя олди,холос. - Ким деяпман, ярим кечаси эшик такиллатган? - Оч, кампир, милицияданман! –деди хириилаб Мадали. –очмасанг, эшигингни бузиб кираман! - Вой улмасам! Кимлар булди булар узи?Кампир шоша-пиша зулфни сугуриб эшикни очди. Сен? – каршисида букчайганича титраб турган Мадалига кузи тушиб кампирнинг ранги окарди. –нега келдинг, хой бола? Сенга нима керак? Мадали жавоб бериш урнига ичкарига бостириб кирди-да, эшикни ёпди. - Оляни чакир! – буюрди у деворгасуянганича. – нега караб турипсан? Оляни чакир дедим. – Хуп, хозир, хозир! Кампир югуиргилабзалга кирди-да, Оляни уйготиб чикди. «Билардим, кунглидан кечирарди Мадали каршисида ярим ялангоч холда хайрон бокиб турган кизни бошдан оёк куздан кечириб. Шу ердалигини билардим. Тугрида, ажал кувлаётган одам кочиб хеч каерга бора олмайди. Олдиндан ажал каерга келишини ва каердан олиб кетишини сезади. Шу ёкка караб талпинаверади…» - Кизалок,сени олиб кеткани келдим! Кийинмайсанми? - Мен хеч каерга бормайман, - деди Оля тескари угирилиб. - Нега бормас экансан? Касални юктиришга юктирдинг. Энди улигимиз хам, тиригимиз хам бир. Юра кол! - Ким айтди сенга касал юктирдим деб? Тухмат килма менга! Сени алдагандим, ушанда… - Агар кетмасанг, шу уйдагиларнинг хаммасини сенга кушиб отиб ташлайман! - Гунохимиз нима? - Гунохингми? Аямни улдирдинг! Мени алдадинг! Буларни хаммаси учун жавоб беришинг керак! Тез бул! Курол Мадалининг елкасидан тушиб Оляга тугирланди. Бирок киз жойидан жилмас, аксинча,улиминитан олган жонивордек титраб-какшаб, огир-огир нафас олаётган Мадалига тик бокиб турарди. Уй ичини автоматнинг варанглаган товуши тутди… Хайриятки, Тамарауйда йук экан. Мадали канча титкиламасин, уни топа олмади вамурдалар устидан хатлаганича ташкарига узини урди.Болам, - дерди Мадалининг тепасига келган отаси. – нега бундай ётибсан? Нега шошилмаяпсан? Бунакангибоки-бегам эмасдинг-ку! Кара, сенсиз ховлимих хувиллаб колди. Кишлогимиздан файз кетди. Чунки, сен хар куни куча кезиб хаммани кулдирардинг, хурсанд килардинг! Буёкда мен…онанг шурлик йиглагани-йиглаган! Тур, буерларда ётма! Поез уриб кетади-я!Анн, карагин, узокдан поезнингтаккилаган товуши эшитляпти! Сени поез уриб кетса, биз нима киламиз кейин? Тура кол,сени кечирдик! Сенда айб йук! Мадали инкиллай-инкиллай наригиёнбошига агдарилмокка тутинди. Огрик зурлигидан кучи етмади. Кузларини катта-катта очиб осмонга бокди. Куёш боши узра нур сочиб киздира бошлаганди. Шунда бошига нимадир ботаётгандек булиб секинкуллари билан ушлаб курди. У темир йул рельси устида ётар, эллик метрча нарида юк вагонлари турарди. - Каердаман узи? – деди бир кули билан чап куксини, иккинчи кули билан санчиб огриётган бошини чангаллаб. –врач кани? Нега бу ердаман? Ким мени бу ерга олиб келди? Нега халиям тирикман? Аллакачон улишим керак эмасмиди? У олдинга судралиб курди. Хар калай, кувватиетаркан. Судрала-судралаохирги вагонга якин борди-ю, ётган ерида вагон четидаги темирни ушлаб, эхтиёткорлик билан урнидан тура бошлади. Вагон ичи бум-буш эди. Бир аммалабчикиб олгач, узала тушибётди. Кутилмаганда кунгли айниб укчиди. Кетидан боши гир-гир айлана бошлади. Мадали укчий-укчий, охири кайтадан хушидан кетди. Хой бола, бу ерда нима килиб ётипсан? Тур урнингдан! Нима бало, улиб-нетиб

колганмисан? Мадали тепасида кимнингдир жавраётгани кулогига чалиниб кузларини очди. Хамон вагон ичида ётарди. Тепасида сарик матодан куйлак кийган бир кимса украйиб турарди. Унинг ёши узидан улуглигини идрок этган Мадали ётганерида ялина бошлади. - Амаки, мени олиб кетинг! Булмаса… - Жинни булганмисан? Каерга олиб кетман сени бу ахволда? Мазанг булмаса, юр, шифохонага ёткизайлик! - Йук,йук! – деди Мадаликулларини кутариб. – факат… у ёккамас! Чалаколган ишларим бор! Мениолиб кетинг! - Уф-ф, бошга битган бало булдинг-ку! Ахир, бу вагонлар Узбекистонга юколиб кетади. - Жуда яхши. мен худди уша ёкларгакетишим керак. - Билганингни кил!Лекин билиб куй, йулда сокчилар сезиб колишса, барибир тушириб юборишади сени! Мадали индамади. Кузларини юмди-да, инкиллай бошлади. Гуёки, инкилласа, огриклар писанда булгандек, бир маромда овоз чикриб-чикармай инкиллайверди.Турт беш кунлик йул Мадали учун бир йилдек туюлабошлаганди. Дастлаб сезмади. Огриклар билан овора булди. Бора-бора корни очиб кунгли оза бошлагач,мажбуран урнидан турди. Поез катта тезликда кетиб борар, пахта далалари бошланганидан билдики, у ватанига аллакчон кириб келганди.- Худога шукур, - деди кадрдон хаводан туйиб-туйиб нафас оларкан. – кишлогимни охирги маротаба куриш насиб этадиган булди. Шунинг узи етади менга! Аммо… ташкилотдагилар нима дебуйлашаркан? Ишимни охирига етказа олмадим-ку! Э, ишлариниям! Улим билан олишиб, аяжонимни жасадини унутдим. Мана шу ишимни хеч качон кечираолмайман! Тахминан ун чакиримчайул босканидан кейин поезд секинлаб тухтади. Бу ерлар станция эмасди. Кичик бир разъедга ухшаган жой эди. Мадалибепаён далаларга бокиб туриб беихтиёр чайкалиб кетди. - Ахир, бу Бухоро-ку! Ана, кишлогим, хов анови ёкда! Шошиб колган йигит нима килишини билмасди. Узини унглаб, пастга тушиш учун харакат килгунича поезд жойидан жилди. У таваккал пастга сакради. Тиззаси билан рельс устига тушиб анча вакт инкиллаб ётди. Сунг секин каддини кутариб, узок-узокларга тикилди. Кишлоги хакикатдан бу ердан аник-тиник куриниб турарди. Мадали аста-атаюриб уша томон юра бошлади. Йук, у кишлок ичкарисига кириб бормади. Истамади. Туппа-тугри кабристонга кириб узига таниш кабрнитопди. Кабрни айлантириб кимдир атиргул экиб куйипти. Кабристонда зог учрамайди. Етиб келай деганда оёклари узига буйсунмай, эмаклаб юришга мажбур булганди. Худди шу тахлиткабргача судралиб келди-да, ох тортиб думпайган кабрга бошини куйди. Киска муддат ётиш асносида хаёлидан барча якинларини, ёру-дустларини утказишга улгурди. Энг сунгги нафасини олаётиб аясининг йул четида чузилиб ётган мурдасини куз олдига келтирди-ю, лаблари зурга пичирлай олди: - Кечиринг, аяжон! Узи жон бергунича хам саратон касалига дучор булганидан мутлак хабарсиз жосус йигит Мадали Марайим угли уз кабрига бош куйганича 1986-йилнинг 5-октябрида шом пайтида бу дунёдан куз юмди.